ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 147 (9.339) 1999 йил 20 декабрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

Келажак асрнинг ибтидоси Ўзбекистон тарихида халқимизнинг келгуси тақдирини белгилайдиган муҳим тарихий воқеа билан боғлиқ. 2000 йилнинг 9 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Ушбу сайлов давлатимизнинг асоси бугунги кунда шаклланаётган буюк келажаги сари олға босишида катта роль ўйнайди. Унинг белгилари давлатчилигимизнинг мустаҳкамланиши, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, содир бўлаётган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мамлакат аҳлининг тинч, осойишта ҳаёти, келажакка бўлган ишончида ўз ифодасини топмоқда.

Мазкур муҳим сиёсий тадбир арафасида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. 17 декабрда Наманганда номзоди Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган Ислом Каримовнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Наманган вилоятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-сайлов округи комиссияси раиси Ҳамид Аҳмадхўжаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон халқ шоири, «Маънавият ва маърифат» вилоят кенгашининг масъул котиби Ҳабиб Саъдулла йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил халқимизнинг мустақил суверен давлат тузиш борасидаги асрий орзуси Ислом Каримовнинг номи билан боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этди. Қисқа тарихий давр мобайнида жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар туфайли халқимиз, давлатимиз дунёга танилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ислом Каримов Наманган вилоятининг мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятида, маданий ва маънавий тараққиётида кўп жиҳатдан етакчи ўрин эгаллашини қайд этди. Қайси соҳани олиб кўрмайлик — саноат, қишлоқ хўжалиги, алоқа ва транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш — уларнинг ривожланишига вилоят ўзининг муносиб улушини қўшмоқда.

Келажакка йўналтирилган устувор масалалар хусусида тўхталар экан, Ислом Каримов вилоят йўл қурувчиларининг Қамчиқ довонида ер ости йўли қурилишига катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади. Яқин кунларда бу ерда халқаро трасса ўз ишини бошлагач, нафақат Наманган вилоятининг, балки бутун Фарғона водийсининг қиёфаси ўзгариб кетади.

Қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар билан биргаликда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар талайгина. Бу соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш борасидаги тадбирлар қаноатланарли эмас.

Ислом Каримов қайд этдики, ҳукуматимизнинг ўтган йили қабул қилган махсус қарорига кўра, вилоятда суғориладиган майдонларни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, 30 километрли «Машканал» сув иншоотини қуриш мўлжалланган. Улар янги иш ўринларини барпо этиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, ушбу канал фойдаланишга топширилгач, 24 минг гектар янги ер ўзлаштирилади, ўзинфратузилмасига эга учта янги шаҳарча қурилади, 35 мингта янги иш ўринлари барпо этилади.

Учрашувда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватловчи самимий сўзлар айтишди. Қайд этилдики, Ислом Каримов — барқарорлигимиз, мамлакатимиз танлаган сиёсий ва иқтисодий йўлининг ўзгармаслиги, Ватанимиз эркинлиги ва равнақи, болаларимиз ва невараларимизнинг фаровонлиги ва бахтининг асосий кафилидир. Бу ҳақда Тўрақўрғон тумани, Сайрам қишлоғи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Ботиров, Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири Дилдора Аҳмедова, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Наманган вилояти бўйича вакили Абдулҳай Турсунов, «Наманганирқурилиш» трестининг бошқарувчиси Шокиржон Матмусаев, Чуст шаҳар Педагогика билим юрти ўқувчиси, ўсмирлар ўртасида стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Севара Қодирова тўхталиб ўтишди. Улар вилоятнинг барча сайловчиларини 2000 йил 9 январда бўладиган сайловда Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақиришди.

* * *

Шу куни Ислом Каримов Андижон шаҳрида вилоят сайловчилари билан ҳам учрашди. Уни Ўзбекистон Президенти сайловини ўтказувчи 2-Андижон сайлов округи раиси Тухтан Мирзаев очди.

Ислом Каримовнинг ишончли вакили, «Андижоннома» газетаси муҳаррири Назиржон Саидов учрашув қатнашчиларини Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. У ўз сўзида Ислом Каримов миллий мустақиллигимиз асосчиси, истиқлол йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган туб ислоҳотлар, юртимизнинг шаҳару қишлоқларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг ташкилотчиси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз оғир ва машаққатли мардона ва қаҳрамонона меҳнат туфайли андижонликлар бугунги кунда нафақат Ўзбекистонни, балки узоқ ва яқин қўшниларимизни ҳам ўз ютуқлари билан ҳайратда қолдираётганини қайд этди.

Янги ерларни ўзлаштиришнинг деярли имконияти йўқ бўлган шароитда вилоят деҳқонларининг ҳар бир қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиб, юқори ҳосил етиштираётгани таҳсинга лойиқ. Жорий йилда андижонликлар 527 минг тонна ғалла етиштириб, ҳар гектар ердан ўртача 70 центнердан ҳосил олди, республика вилоятларига 200 минг тоннага яқин сара уруғлик дон етказиб берди.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси иқтисодиётимизда тобора катта ўрин эгаллаб, бугунги кунда корхонанинг вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотидаги улуши 52,7 фоизни ташкил этмоқда. Завод ишга тушгач, унинг учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган корхоналар тизимини барпо этиш мақсадида махсус маҳаллийлаштириш дастури қабул қилинди ва изчил амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда кўпгина долзарб ва муҳим масалалар қаторида ортиқча ишчи кучини, айниқса қишлоқ жойларида банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш асосий вазифалардан биридир. Давлатимиз раҳбари бу борада вилоятда ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжудлигини айтиб ўтди. Чунончи, вилоятдаги саноат корхоналари қувватларидан бугунги кунда фақат 55-60 фоиз фойдаланилмоқда.

Ислом Каримов ўз нутқида вилоятда ижтимоий, маданий, маърифий соҳаларнинг ҳозирги даражасини ижобий баҳолаб, уларни янада ривожлантириш йўлларини кўрсатиб ўтди.

Халқимиз ўз тараққиёт йўлини аниқлаб, ривожланиш босқичига чиқиб олди. Ҳаммамиз учун азиз ва мўътабар Ватанда яшаётган барча миллат ва элатлар ягона мақсад — Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш йўлида астойдил хизмат қилмоқда, деди Ислом Каримов.

Учрашувда сўзга чиққан Шаҳрихон туман касалхонаси шифокори Юлдузхон Раҳматова, бокс бўйича жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров, Андижон давлат тиббиёт институти профессори Комилжон Мирзаев, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомов халқимизнинг фаровон кунларга тезроқ етиши, барча орзу-ниятлари ижобат бўлишини Ислом Каримов номи билан боғлашларини билдириб, Президент сайловида Андижон аҳлини унинг номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Шу куни Ислом Каримов Давлат шошилинч тиббий ёрдам марказининг Андижон филиали билан танишди. Йўлбошчимиз шифохонанинг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган шинам ва ёруғ хоналарини кўздан кечириб, бундай масканлар аҳолининг барча қатламларига тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиши зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Андижон шаҳридаги Оқёр касб-ҳунар коллежини бориб кўрди. Ўқув юртининг ўқитувчи ва талабалари билан суҳбат чоғида бундай замонавий билим даргоҳлари баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилиши лозимлигини қайд этди.

(ЎзА).

ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ ЎТКАЗИЛДИ

КЕЧА

газетамизда аввал хабар бериб ўтганимиздек, шаҳримиздаги Олий Мажлисга сайловлар бўйича ет-тита сайлов округларида ва шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар бўйича 21 та сайлов округларида такрорий овоз бериш ўтказилди.

Кўрсатиб ўтилган округлар бўйича сайлов бюллетенларига 5 декабрь куни биринчи бор овоз бериш пайтида, биринчи босқичдаги сайловларда иштирок этган сайловчиларнинг аксарият овозларини тўплаган номзодларнинг икки нафари фамилияси киритилган эди.

Бир қатор участка сайлов комиссиялари аъзоларининг бизга хабар қилишларича, кеча — 19 декабрдаги такрорий овоз бериш фаоллик ва уюшқоқлик билан ўтган. Сайлов участкаларида иштирок этган кузатувчилар сайловлар тўғрисидаги қонунларнинг бузилмаганлигини эътироф этдилар. Бундан ташқари биринчи галда бўлганидек, кимдаким саломатлиги туфайли шахсан ўзи сайлов участкасига боролмаган бўлса бундайларнинг уйларига сайлов қутилари олиб борилди. Умуман олганда такрорий овоз бериш яна шуни кўрсатдики, сайловчилар шу куни ўз участкаларига келишиб, ўзларининг Конституциявий бурчларини ва сайлаш ҳамда сайланиш бўйича ўзларининг Конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириб, яна бир марта сайловларимизнинг бутун моҳиятини, яъни парламентнинг янги таркиби ва Тошкент шаҳар Кенгашининг янги таркибини тузиб, биз ўзимизнинг янги учинчи минг йиллиқдаги умумий тақдиримизни белгилаётганлигимизни яхши билганликларини кўрсатдилар.

Эндиги вазифа — такрорий овоз беришда қатнашганларнинг овозларини ҳисоб-китоб қилиш ва шаҳар сайлов комиссиясида қолган.



СУРАТДА: «Подъёмник» ҳиссадорлик жамиятининг энг йирик ишлаб чиқаришларидан бири бўлган механика цехи тасвирланган. Цех бошлиғи Талғат Кунонбоев ишчи Равшан Дошоновга кундалик топшириқ бермоқда.

Рустам Шарипов олган сурат.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Хоразм ва Қорақалпоғистон заминида ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли намояндаси Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳийнинг 190 йиллигига ва қорақалпоқ халқининг буюк шоири Ажиниёз Қўсибой ўғлининг 175 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ана шу тантаналарнинг иштирокчиларига табрикнома йўллади.

◆ «Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур: ислоҳотлар натижалари ва истиқболи» мавзуидаги Халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Мурожаатнома йўлладилар.

◆ Якунланаётган йилда Қорақалпоғистон Республикасидаги 115 километрлик «Мискин-Султониздаг» темир йўл магистрали қурилишининг тугалланиши ва ушбу темирйўлдан дастлабки поезднинг ўтишига бағишланиб Тўрткўлда митинг бўлиб ўтди.

◆ Республика Байналмилал маданият марказида «Миллатлараро ҳамжиҳатлик — барқарорлик гарови» мавзуидаги йиллик семинарнинг якунловчи машғулоти жамиятимизда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши масаласига бағишланди. Семинарда «Миллатлараро ҳамжиҳатлик — барқарорлик гарови» мавзуидаги китобнинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

◆ Тошкентдаги Марказий офицерлар уйида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилаётган оммавий-ватанпарварлик ойлиги муносабати билан тантанали йиғилиш бўлди.

◆ Навоийда касб-ҳунар коллежлари фаолиятини ташкил этиш муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий семинари ўтказилди.

◆ Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кеко Накояма хонимнинг Фарғонага сафари пайтида Ўзбекистон-Япония муносабатларини янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди.

◆ «Ўзбектелефильм» студиясида янги тўрт қисмли бадиий видеофильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу асар икки оилада бўлиб ўтадиган воқеалар асосида қурилган бўлиб, томошабинни мушоҳадага, фикрлашга чорлайди.

ЖАҲОНДА

◆ Душанбе шаҳрида Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти давлатлари Бош вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Бош вазирлари ягона иқтисодий ҳудудда интеграция жараёнларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари кенгашининг яқинда бўладиган мажлиси кун тартибига қўйиладиган масалаларни муҳокама қилдилар. Мажлис якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар имзоланди. Бу ерда бир қатор икки томонлама учрашувлар ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегацияси Қозоғистон ва Тожикистон делегациялари билан музокаралар олиб борди. Томонлар ўзаро манфаатли масалаларни муҳокама қилдилар.

◆ **Кеча** Россияда Давлат думаси ва ҳокимиятнинг маҳаллий органларига сайловлар бўлиб ўтди. Соат 18га қадар сайловчиларнинг 43 фоизи овоз берди. Дастлабки ҳисобларга қараганда унда «Единство» ва Россия коммунистлар партияси етакчилик қилмоқда. Юрий Лужков Москва мэри этиб сайланди. Сайловчиларнинг 70 фоиздан зиёди унинг номзодини ёқлаб овоз берди.

◆ Судан Президенти Умар ал-Башир мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди ва Ҳасан ат-Туробий бошчилигидаги парламентни тарқатиб юборди. Давлат бошлиғи ўз баёнотида бундан буён ҳокимият тепасида бир-бирига қарама-қарши томонлар бўлишига йўл қўймаслигини айтди.

◆ Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва Россиянинг «Газпром» акционерлик жамияти бошқарувининг раиси Рэм Вяхирев Ашгабатда туркман газини ташқи бозорларга етказиб бериш тўғрисидаги битимга имзо чекдилар.

◆ Руминия Президенти Эмиль Константинеску Бош вазир Раду Василеуни истеъфога чиқарди.

◆ Арманистон ҳарбий прокуратураси президент девонининг собиқ раҳбари Александр Арутюнянни ҳибсга олди. У шу йил 27 октябрь куни миллий мажлиснинг йиғилишлар залида содир этилган террорчилик ҳаракатида гумон қилинмоқда.

◆ **Бугун** дан бошлаб Россия газини Грузияга элтиб бериш яна йўлга қўйилади.

◆ Тожикистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидан 500 минг доллар оладиган бўлди.

◆ Тўрт ойлик танаффусдан сўнг Чеченистон билан Доғистон ўртасида Гудермес-Хасавюрт йўналиши бўйлаб поездларнинг мунтазам қатнови яна йўлга қўйилди.

◆ Того пойтахтида Ғарбий Африка Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг саммити якунланди. Йиғин қатнашчилари ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда минтақада юз бераётган можароларни бартараф этиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

◆ Ҳиндистоннинг Чандигарх шаҳри яқинида мамлакат ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли «МИГ-21» русумли қирувчи самолёт ҳалокатга учради.

◆ Шанба куни тунда Москва Давлат университетининг оилавий ётоқхонасида ёнғин содир бўлди. Ёнғин оқибатида 11 киши ҳалок бўлди. 5 киши касалхонага ётқизилди. Ёнғиннинг содир бўлиш сабаблари аниқланмоқда.

◆ Венесуэлада сув тошқинидан жабр кўрганларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Сув тошқини оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони минг кишидан ошиб кетди. Бу рақам яна ҳам ошиши мумкин. Чунки 6 мингга яқин киши бедарак йўқолган деб тахмин қилинмоқда.

◆ Америкалик дизайнчи ва ихтирочи Жей Орберг яратган автомобиль дунёда энг узун машина ҳисобланади. Узунлиги 9 метрни ташкил этадиган, 8 та ўриндиқли «Феррари» деб номланадиган бу машина Штутгартдаги автосалон экспонатига қўйиш учун жўнатилди.

◆ Отларнинг пойгаси ҳеч вақт сувда ўтказилишини эшитганмисиз? Таити оролида чавандозлар ўзларининг тўрт оёқли шериклари билан бир километр масофани ана шундай йўсинда сузиб ўтишга қарор қилишди.

◆ Қозоғистон Республикаси Мангистов вилоятининг Оқтов шаҳрида Қозоғистон халқ ёзувчиси Абиш Кекильбоев соврини учун миллий кураш бўйича халқаро турнирда Ўзбекистондан ҳам кучли полвонлар қатнашди. Унда қорақалпоқ Давлат университети жисмоний тарбия бўлимининг талабаси Муротбой Болтониязов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, мутлақ чемпион бўлди. Унга турнирнинг бош соврини — «ВАЗ-2106» автомобилининг калити топширилди.

САЛМОҚЛИ БИТИМЛАР ТУЗИЛМОҚДА

Йил ниҳоясида тузилган йирик битимлар Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиалига режалаштирилган дастурни муддатдан илгари бажариш имконини берди. Кўчмас мулк иншоотлари, автотранспорт воситалари, томорқа участкалари, турли ускуна ва мулклар сотиш бўйича йиллик топшириқ 314 миллион сўм ўрнига 338 миллион сўм қилиб уддаланди.

Филиал директори Маҳамадсобир Қодировнинг айтишича, кимошди ва биржа савдоларида яна бир неча ўн миллион сўмлик ҳажмида мулкнинг нодавлат шакли улушининг ўсиши кузатилаётганини таъкидлади. Бу қонуний ҳол албатта. Негаки, республика саноат салоҳиятининг 30 фоиздан кўпроғи Тошкентда жойлашган. Йирик акциядорлик жамиятлари, 50 фоиздан кўпроқ савдо-маиший хизмат ва коммунал хўжалик иншоотлари пойтахтда фаолият кўрсатмоқда.

— Брокерларнинг маҳоратисиз кўзга кўринарли ютуқларга эришиш амри маҳол, — деб сўзида давом этади директор. — Шу боис, малакали ходимлар тайёрлаш билан жиддий шуғулланамиз, уларни ўз ҳисобимиздан ўқитамиз, яхши ишлашлари учун зарур шароитларни яратамиз. Ҳозирги кунда биржада 26 та брокерлик идораси фаолият кўрсатаяпти. Улар ёрдамида кўчмас мулк савдоларини жадаллаштириш, салмоқли битимлар тузишга муваффақ бўлдик. Масалан, «Фотон» акциядорлик жамиятига қарашли Олмаликдаги цех 40 миллион сўмга сотилди, «Подъёмник» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи 19 миллион сўмга баҳоланди. Шайхонтоҳур туманидаги дўкон 3 миллион 785 минг сўмга сотилди.

— Биржа ўз фаолият қамровини кенгайтириш, янги-янги шакл ва усулларини амалда қўллашга ҳаракат қилмоқда. Хўжалик судининг қарорига кўра, Давлат солиқ инспекцияси билан ҳамкорликда давлат бюджетидан қарздор бўлган корхоналарнинг иншоотлари, ускуна ва мулклари савдога қўйилмоқда. Масалан, солиқ ва мажбурий тўловлар тўланмаганлиги ҳисобига Сергели ёғочни ишлаш жамоа корхонасининг ишлаб чиқариш майдони 8 миллион сўмга сотилди. Банкрот корхоналарнинг мол-мулкларини сотиш мақсадида Тошкент биржаси республиканинг бошқа вилоятларидаги брокерларни ҳам савдога жалб этишни режалаштиряпти. Бу борада жиззахлик брокерлар Тошкентда қатор фойдали битимлар тузишганини айтишни истардим, — деди М. Қодиров.

— Шунга қарамасдан, муаммолар ҳам етарли, — дейди М. Қодиров. — Агар уларнинг асосийларини ҳал эта олганимизда ҳам савдо ҳажмлари анча ошган бўларди. Масалан, аввалларги биржада ёдгорлик буюмлари, санъат асарлари, юбилей тангалари, антиқа буюмларнинг кимошди савдоси ўтказиларди. Уларнинг харидорлари асосан чет элликлар бўлиб, шубҳасиз бу валюта келтирарди. Бу қимматбаҳо буюмларни мамлакатдан ташқарига чиқариш қийинлашгани сабабли эндиликда бу савдолар тўхтатилди. Кўчмас мулк ва томорқа олди-сотди харажатларини ким кўтариши ҳам муаммо, харидорми, сотиб олувчи ёки воситачи томонми? М. Қодировнинг фикрича, ҳокимият маҳаллий идоралари, биржа ва бошқа манфаатдор тарафлар бу масалани жиддий муҳокама қилиб, бир қарорга келишлари зарур.

«Туркистон-пресс».

Шахмат

УЧ ҲАМШАҲРИМИЗ — МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Бир ҳафта давомида ишқибозлар «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуида ёш шахматчиларнинг қизиқарли беллашувларининг гувоҳи бўлишди.

«Труд» газетасининг соврини учун ўтказилган бу йилги анъанавий мусобақаларда икки юздан ортиқ юртимиз ёш шахмат иқтидорлари билан бирга қўшни қозоғистонлик спортчилар ҳам ўз кучларини синаб кўришди.

Бевосита баҳслар тўғрисида тўхталадиган бўлсак, айниқса 12 ёшгача қизлар ўртасида беллашувлар кескин ва шиддатли кечди. Фақат, охирги кундаги беллашувлардан сўнггина тошкентлик Ирина Геворгян барча тенгдошларини доғда қолдирган ҳолда биринчи ўринни эгаллади.

16 ёшгача қизлар ўртасида эса катталар орасида Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси, ушбу турнирнинг ўтган йилги ғолиби тошкентлик Елена Лёвушкина барча рақибларидан ўзиб кетган ҳолда ғалаба қозонди.

Ўғил болалар ўртасида 10 ёшда бўлишига қарамай ўзидан каттароқ болаларни доғда қолдирган чимкентлик меҳмон Рустам Жумабоевга тенг келадиганлар топилмади.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳс ҳам жуда муросасиз кечди. Бинобарин, охирги турдан олдин 1,5 очко фарқ билан совриндорлар сафидан ўрин олиш учун тўққизта шахматчида имконият борлиги фикримиз далилидир.

Бу гал ҳам омад ҳамшаҳримиз Антон Филипповга кулиб боқди ва у қашқадарёлик А. Аллиёров ва қозоғистонлик У. Кокеновларни ортда қолдирган ҳолда ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасини забт этди.

Мусобақанинг барча ғолибларига «Труд» газетасининг Ўзбекистондаги мухбири Валерий Бирюков видеомагнитофонлар, мусиқали марказлар ва бошқа қимматбаҳо совғаларни топширди.

Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика бокс федерацияси, «Спорт» газетаси ҳам турнирнинг энг яхши иштирокчиларини ўз соврилари билан тақдирлади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

«Кураш — менинг ифтихорим»

ШОҲСУПА ТЎРИДА — ЮРТИМИЗ ПОЛВОНЛАРИ

Кейинги пайтларда миллий курашимиз турлари тобора ривожланиб, халқаро миқёсга чиқмоқда. Кўпгина хориж мамлакатларида ўзбек кураши эътироф этилиб, у билан фаол шуғулланишаётгани кувонарли ҳолдир.

Айниқса, ўзбек курашини ривожлантириш, уни янада оммавийлаштириш, курашимизнинг жаҳон миқёсига чиққанлигининг 1 йиллиги муносабати билан жойларда ўтказиладиган «Кураш — менинг ифтихорим» мавзуидаги ойлик доирасидаги мусобақалар миллий спортимизнинг катта тантанасига айланмоқда.

Илгари хабар берганимиздек, «Жар» спорт марказида ушбу ойлик доирасида яна бир йирик халқаро мусобақа катта муваффақият билан ўтказилди. Республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси соврини учун белбоғли кураш бўйича ташкил этилган 1-Халқаро турнирда Республикамизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистондан келган 50 нафар курашчи 73,90 килограммгача ва мутлақ вазнларда ғалаба учун кураш олиб боришди.

Шуни айтиш керакки, ишқибозларда катта қизиқиш уйғотган ушбу турнирда ўзбек полвонларига тенг келадиганлар топилмади. Жумладан, 73 килограмм вазнда биринчи ўрин 1996 йилги Бобур хотира мусобақалари ғолиби Шуҳрат Исоқовга насиб этган бўлса, 90 килограммгача полвонлар ўртасида унинг укаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Равшан Исоқов зафар қучди. Энг нуфузли мутлақ вазн тоифасида эса Бахтиёр Бозоров ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди.

Барча совриндорлар медаллар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Энг муҳими, белбоғли кураш бўйича мусобақалар анъанавий бўлиб қолади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Саноат

КЎКЧА ДОВРУҒИ ЁЙИЛАДИ

Хабар берганимиздек, яқинда пойтахтимизнинг «Кўкча» даҳасида яна бир улкан иншоот — «Кобул-Ўзбек Ко» қўшма корхонаси иш бошлади. Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган ушбу корхона Жанубий Кореянинг «Кобул текстайлз» компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилди.

Республикамиздаги бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшаётган бу компания 1976 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан калава ва мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган Кореянинг Тэгу шаҳрида 4 та фабрикаси, тадқиқот маркази ишлаб турибди. Жаҳоннинг Германия, АҚШ, Бразилия ва Ўзбекистон сингари мамлакатларида ваколатхоналарига эга бўлиб, компания маҳсулот маркетинги бўйича дунёвий тажрибаси, ўз мавқеи мавжуд. Кўпчиликка маълумки, Тўйтепада қурилган гигант тўқимачилик корхонаси ҳам мазкур компания иштирокида бунёд этилган.

Кўкчада иш бошлаган мазкур компания билан ҳамкорликдаги қўшма корхона йилига 24.454 тонна калава ва 9 миллион погонметр бўз мато ишлаб чиқариш лойиҳа қувватига эга. Бунинг учун бир йилда 29.300 тонна пахта толаси талаб этилади. Энг муҳими, корхонада ўзимизнинг хом ашёдан тайёр маҳсулот тайёрланиб, унинг 80 фоизи хорижга экспорт қилинади, яъни мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда янги қўшма корхонанинг роли беқиёс бўлади. Чунки «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар хориж бозорида муваффақият қозонади.

Шуниси қувонарлики, корхонанинг ишга туширилиши муносабати билан 2700 нафар киши иш билан таъминланишига эришилади. Ҳозирда эса бир ярим мингдан ортиқ киши корхонада муваффақият билан иш бошлади. Корхонада фаолият кўрсатаётган пахтани титиш, тароқлаш, пилталаш, пиликлаш, ўраш, қадоқлаш ҳамда тўқиш цехларига ўрнатилган Жанубий Корея, Бельгия, Япония, Германия, Швейцариядан келтирилган мураккаб дастгоҳларни айни кунларда ўзимизнинг ўзбек йигит-қизлари муваффақият билан бошқармоқда.

Корхона раҳбарларининг яқин атрофдаги маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан учрашуви ҳам таассуротларга бой бўлди. Бу ерга ташриф буюрган «Бекобод», «Шодлик», Умид, Амир Темур ва бошқа маҳаллаларнинг вакиллари корхона фаолияти билан танишиб, уларнинг фарзандлари, маҳалла аҳли учун яратилган қулайликдан мамнун эканлигини изҳор этдилар. Қўшма корхона директори Р. Рўзиқулов йиғилганларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтариб, айниқса иш ҳақи, бепул овқатланиш, янги ишга кирувчиларни касбга ўқитиш каби масалаларга алоҳида тўхталди.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, корхонада ҳадемай яна юзлаб одамлар иш бошлайдилар. Энг муҳими, уларнинг баракали меҳнатлари эвазига яратилган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги билан жаҳон бозоридан муносиб ўрин олади. Шаҳримизнинг «Кўкча» даҳасига файз бағишлаган янги корхонада меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-хизматчининг ғайрат-шижоатидан ана шуни сезиш мумкин.

Шарифа ИЛЁСОВА.

СУРАТЛАРДА: «Кобул-Ўзбек Ко» қўшма корхонаси фаолиятидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Бандлик

«ДУРДОНА»НИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

Бектемир тумани энг ёш туманлардан бўлиб, аҳолисининг салкам ярмини ёшлар ташкил этади. Ёшлар — бу келажак демакдир. Демак, бугунги ёш авлод илмли, ҳунарли, меҳр-оқибатли бўлиб камол топсагина, биз келажакда ўз эккан ниҳолимизнинг меваси қанчалик мазали ва қанчалик тўйимлилигини кўрамиз.

Туманда 12 та маҳалла жойлашган бўлиб, деярли ҳамма маҳаллада ёшлар бандлигини таъминлаш, шу қаторда янги иш жойлари ташкил этиш, уста-шогирд усулини қўллаш борасида маҳалла меҳнат органи, тадбиркор аёллар жипслашган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

Меҳнат органи томонидан ташкил этилган миллий ҳунармандчилик асосида уста-шогирд дастури бўйича фаолият кўрсатаётган «Дурдона» ўқув ишлаб чиқариш корхонаси шу йилнинг апрель ойидан бошлаб ишга тушди. Унда кўплаб аёллар ва қизлар касб-ҳунар эгалламоқдалар. Гўзал хотин-қизларимиз оддий игна ёрдамида катта маҳорат билан гўзал ва бетакрор санъат асарлари яратмоқдалар. «Дурдона» корхонаси асосан уста-шогирд ва касаначилик усулида иш юритади. Иш жараёни асосан қўлда бажариладиган 6 хил йўналишда: зардўзлик, каштачилик, дўппидўзлик, гиламдўзлик, попопчилик ва қўлда тўқиш бўлимлари мавжуд бўлиб, 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган ишсиз хотин-қизлар қабул қилинади.

Маҳсулотлари халқ амалий санъатининг энг нодир намуналари, халқ истеъмолларининг бугунги замон талабига мос тўй ва бешик анжомлари, келин-куёв йиғмалари, совға буюмлар ва ҳоказолардир.

Маҳсулотларнинг барча тури экспортга лойиқ товарлар бўлиб, дунёнинг олти мамлакатида Индонезия, Туркия, Исроил, Америка, Германия ва Япония мамлакатларида катта талабга эга.

Бугунги кунда ўзбек аёли турли жабҳаларда ҳаётимизга кўрк бўлиб турибди. Қўл иши маҳсулотлари халқимизнинг қадимий тарихини белгиловчи муҳим омилдир. Зеро, чевар опа-сингилларимиз ипак қатимларига ўз орзу-ўйларини, кўз нури-ю юрак қўрини қўшиб оддий матода гўзаллик яратадилар-ки, буни кўрган инсон ҳайрат денгизида оқади. Бу буюмларни нафақат безак буюмлари, балки эзгуликка, гўзалликка, садоатга етакловчи ғоя деб тушунмоқ керак. Ҳар бир буюм катта ижодий ишнинг маҳсулидир.

Опа-сингилларимиз бу мономерос ишимизни жон дили, зўр иштиёқ-ҳавас билан ўрганмоқдалар. Халқимизнинг талабини қондириш биринчи бош масала бўлса, шогирдларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш асосий мақсадимиздир. Ишни тўла қувват билан давом эттириш учун иш жойларини кенгайтириш, ҳар бир маҳаллада филиаллар очиш ниятимиз бор. Ҳозирги кунда Бектемир туманининг ўзида 25 нафар шогирд ўқитилмоқда. Келгусида бу рақам икки-уч баробарни кўрсатади, деган умиддамиз.

Бу ишларни амалга оширишда Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси, Бектемир туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаб, доимий ёрдамларини аямаяптилар. Ҳар бир шахс бу борада ўз ёрдамини аямай ҳамкорлик қилса, шогирдлар ўн, юз фоизга кўпайиб, маҳсулотларимиз миллийлиги билан ажралган ҳолда бутун дунёга тарқалиши ва харидоргир бўлишига ишончимиз комил. Бу билан нафақат аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаб қолмай, балки дунё миқёсида нодир ўзбек халқининг амалий санъати намойиш этилган бўлади.

Хуллас, ҳар бир соғлом аёл ва оила жамиятимизнинг фаол иштирокчиси ва давомчиси бўлсин, деймиз. Чунки бу давр талаби.

Муҳайё МИРЗАЕВА,
Гулбаҳор МЎМИНОВА.

«Оқшом»га хатлар



ИЛОЖИ БОРМИ?

Хизмат юзасидан ҳар куни «Самарқанд» шоҳбекатидан Тошкент шаҳри марказига қатнайман. Бу ердан шаҳримизнинг турли манзилларига 3, 38, 40, 57, 58, 99, 137-автобуслар қатнайди.

Шуниси ажабланарлики, «Олой бозори» шоҳбекатига қатновчи 38- ва 57-автобуслардан ташқари барча автобусларга йўловчилар бемалол чиқишади ва манзилларига йўналишади. Аммо «пешонаси»га «Сирғали — Олой бозори» деб ёзилган мазкур автобуслар ҳамиша «Сирғали» ва «Эркин» бекати томонидан ҳаддан ташқари йўловчилар билан тирбанд ҳолатда келади. «Самарқанд» шоҳбекати ёнидаги кичик бекатда эса уларни эрталаб 7.00 дан 9.00 гача юзлаб ишга, ўқишга шошаётган яшчи-хизматчи-ю талабалар кутиб турган бўлади.

Автобус келиб тўхташи билан «томоша»нинг асосий қисми бошланади. Ўзи йўловчилар билан лиқ тўла автобусга яна 60-70 киши чиқиб олишга интилади. Мана шу ҳаракат жараёни ниҳоятда аянчли: иложсизликдан одамлар бир-бирига қўпол муомала ва ҳаракатлар қилишга мажбур бўладилар. Оёқ ости соат қопқоғи, узилган тугмаларга, салон эса қўпол сўзларга тўлиб кетади. Дилҳираликлар бошланади. Кўпинча ҳайдовчи ёрдамчиси бўлган паттачи йигитлар катта қийинчиликлар билан эшикларни ёпишга уринадилар. Бир амаллаб эшик ёпилгач, автобус йўлга тушади.

Бу аҳвол «Мустақиллик майдони» бекатигача давом этади. Шу ерда автобус деярли бўм-бўш бўлиб қолади. Шундай экан, мана шу йўналишга эрталаб яна қўшимча автобус қўйиш ёки «Сирғали — Мустақиллик майдони» йўналиши очишнинг иложи йўқми?

Ишонамизки, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси ва уларга тегишли автокорхона раҳбарлари йўловчилар аҳволига тушунадилар ҳамда тегишли чора кўрадилар.

О. СЎФИХОНОВ,
журналист.

Маҳалла

«ШОДЛИК»НИНГ СЕВИНТИРАДИГАН ИШЛАРИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг кейинги йиғилишларидан бирида энг муҳим иқтисодий масалалар қаторида корхона ва ташкилотлар ўртасидаги дебиторлик қарзларининг чидаб бўлмас даражада улкан ҳажмда қолиб келаётгани қаттиқ танқид қилинганди. Коммунал хизматлар учун шундай қарзлар миқдори ҳам ташвишланарли аҳволда эканлиги маълум. Аҳолининг, масалан, пойтахт аҳлининг коммунал хизматлар учун қарзлари ҳам ҳамон ўсса-ўсмоқдаки, камаяётгани йўқ.

Коммунал хизматлар сифати замон талаблари даражасида эмаслиги ҳам сир эмас. Лекин уни яхшилаш жуда катта маблағлар талаб қилади. Зеро, иссиқ ва совуқ сув қувурлари, иситиш тизимидаги қувурларнинг кўп қаватли уйлар тагидаги бутун-бутун қисмлари эскириб, чириб, қарийб яроқсиз ҳолга келиб қолган. Уларни капитал ва жорий таъмирлаш учун маблағлар асосан корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг коммунал хизматлар учун тўловларидан келади. Албатта давлатнинг ҳам бунда ҳиссаси катта. Бироқ барибир истеъмолчилардан тушадиган маблағлар асосий роль ўйнайди.

Кейинги пайтларда шундай вазият юзага келганки, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар коммуналчилар хизматининг қониқарсизлигидан шикоят қилишса, коммунал хизмат идоралари аҳоли пулни вақтида тўламаётгани учун маблағлар йўқлигидан зорланишади. Натижада машҳур рус масалчиси И. Крилов таъбири билан айтганда юкни бир томонга тортиб кетадиган, азамат топилмаяпти. Аҳвол шундай давом этаверса охири нима бўларкин?..

Шу йилнинг бошларида «Шодлик» маҳалласига оқсоқол этиб сайланган Тожиддин Абдувоҳидовни шу муаммолар қийнаб келарди. Маҳалла қўмитаси фаолиятидан аҳоли қониқмаслигининг ҳам асосий сабаби коммунал хизматлардаги нуқсонлар ва шу алфозда юзага келган таранг вазият билан бевосита боғлиқ эди. Демак, шу соҳада бурилиш бўлмас экан, маҳаллада одамлар кайфиятини ўзгартириш қийин. Иккинчи томондан эса аҳоли қарзларининг ўсиб бораверишиаҳволни янада мушкуллаштираверади.

Олий Мажлиснинг шу йил ёзида бўлиб ўтган XIY сессиясида «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида» Қонун қабул қилинди-ю у Тожиддин акани қийнаб келган саволларга жавоб бўлиб янгради. Унга кўра маҳаллага бериладиган катта ҳуқуқлар оқсоқолга илҳом бағишлади. У анчадан бери ўйлаб юрган режаси ҳақида Собир Раҳимов тумани ҳокимлигига бориб кўнглидагиларни тўкиб солди. Маҳалла қўмитасига қарашли 21та кўп қаватли уйга коммунал хизмат кўрсатишни ижара корхонасидан олиб, маҳалла ихтиёрига ўтказиш — гапнинг индаллоси шу эди!

Шундай қилиб оқсоқол ўз фаоллари билан бирга ишга киришди. Аввало, у ўз режасининг моҳиятини фаолларга обдон тушунтирди. Улар эса ўз навбатида аҳолига буни яхшилаб сингдиришлари керак эди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, коммунал хизматлар учун тўпланиб қолган қарзларни ундиришга киришиб кетди. «Энг аввало, кўп қаватли уйлардаги хонадонлар соҳиблари билан икки томонлама масъулият аниқ белгиланган 1500 шартноманинг хонадонлар эгалари томонидан имзоланишига эришилди. Унга кўра маҳалла қўмитаси коммунал хизмат сифатини ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлса, хонадонлар эгалари тегишли тўловларни вақтида тўлашлари кўрсатилганди. Кечиктирилган ҳар бир кун учун тегишли жарима ундириладиган бўлди.

Иккинчидан, маҳалладаги бадастир яшаб, кези келганда ўзининг нималарга қодирлигини кўз-кўз қилишдан ҳам тоймайдиган «бойваччалар»га нисбатан жамоатчилик таъсири ўтказиш чораси қўлланди. Уларнинг баъзилари уялганларидан ҳатто қарзларини ўша куннинг ўзидаёқ узиб кетишди. Ишлар мўлжалдагидан ҳам яхшироқ юришиб кетди: авваллари кунига 20-30 минг, кўпи билан 40 минг сўмгача пул тушган бўлса, маҳалла фаоллари ҳаракати билан бу кўрсаткич кунига 274 минг сўмгача етди.

Уч ой ичида эса 6 миллион сўмлик қарздан 0,5 миллион сўмгина қолибди. «Шодлик» маҳалласи тажрибасини биринчилардан бўлиб қўллаган «Ғалаба» маҳалласининг фаолияти ҳам маъқул топилди. Туман ҳокимлиги раҳбарлари мазкур тажрибани ёйиш мақсадида Тожиддин аканинг ўзини кўпгина маҳалла оқсоқоллари олдига олиб бориб, уларнинг ўзаро фикр алмашувларини ташкил этишди.

...Аҳолининг қарзларни бунчалик тез узишининг сабаби бор эди. Маҳалла оқсоқоли хонадонлар соҳиблари билан бўлган суҳбатларда берган ваъдаларининг устидан чиқаётганди. Жумладан, 20 йилдан кўпроқ вақт давомида шикоят қилавериб, бутунлай умиди узилган 14-уйда яшовчиларнинг ниҳоят орзулари ушалди. Иссиқ сувнинг тинимсиз оқишидан ҳосил бўлган бўғдан биринчи қаватдаги хонадонларда одамлар ҳатто нафас ололмай азият чекишарди. Чириб кетган иситиш қувурлари ертўладан ташқарига олиб чиқилиб, янгиларига алмаштирилди. Кўпгина уйларнинг томидан чакка ўтарди. Ҳозиргача бешта уйнинг томи жорий таъмирдан чиқарилди. Ҳамма уйларнинг томини ҳам таъмирдан чиқариш режаси мавжуд. Паст-баланд бўлиб, одамлар юришга қийналиб келаётган бир неча уйнинг атрофидаги йўлкалар асфальтланди. Ахлатлар вақтида олиб кетилаётгани ҳамда аҳоли ўртасидаги тушунтириш ишлари натижасида «Шодлик» маҳалласи тумандаги энг озода маҳалла деб тан олинди.

Ёзнинг иссиқ кунларида юқори қаватларга совуқ сувнинг чиқишига ғамхўрлик қилинди. Қишда ҳам хонадонларнинг бир маромда иситилиши учун барча чоралар кўрилди. Маҳалла ҳудудидан оқиб ўтадиган Қорақамиш канали бўйи ҳашар йўли билан ободонлаштирилди. Яхши дам олиш маскани пайдо бўлди. Келгуси йили бу ерда янги қулайликлар яратиш учун қўшимча бино қурилади.

Хуллас, қисқа вақт ичида анча салмоқли ишлар қилиндики, уларни ҳамма кўриб, сезиб турибди.

Яна бир муҳим тадбирни айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Ижара корхонасидаги чилангарлар, фаррошлар, умуман техник ходимлар ишини ҳаммамиз яхши биламиз. Уларнинг иши, афсуски, ҳамма жойда бир хил эътирозларга сабаб бўлиб келади. Бу ерда бунинг ҳам чораси топилди. Тожиддин ака ижара корхонасидан маҳаллага ўтиб ишлашни хоҳловчилар олдига қатъий шартлар қўйди. Кимки ҳалол, виждонан ишлайман, жамоат мулкига кўз олайтирмайман, ичкиликка яқинлашмайман, деб ваъда берса — ўшаларни қабул қилишини айтди. Халқнинг кайфиятини ҳисобга олмайдиган, одамларни назар-писанд қилмай, кўполлик билан ранжитадиганлар менга керак эмас, деди у қатъий оҳангда.

Натижада маҳалла қўмитасининг уй-жойдан фойдаланиш бўлимига керакли ходимлар чертиб-чертиб, саралаб олинди. Янгидан 6 нафар чилангар ва 8 нафар фаррошлар ишга қабул қилинди. Жами 24 кишилик аҳил, ишчан ва олдига қўйилган вазифаларни аъло даражада уддалай оладиган жамоа шаклланди. Улар хонадонлардан тушган ҳар қандай аризаларни вақтида кўриб чиқиб, уларда пайдо бўлган носозликларни тезкорлик билан барҳам топтиришади. Кўп йиллар қурилишларда раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган тажрибали мутахассис муҳандис Хонназар Пирназаров уларга раҳбар этиб тайинланди.

Қоидага кўра уй-жойларни тегишли ҳолатда асраш учун қолдириладиган маблағни тежаб-тергаб сарфлаш туфайли ҳам шунчалик кўп тадбирлар амалга оширилганини таъкидлаш ўринли. Масалан, илгарилари бир уйнинг томини 1,5 миллион сўм сарфлаб таъмирланса, Х. Пирназаров бошлиқ жамоа шу мақсадга атиги 175 минг сўм сарфлади. Бу ерда гап шундаки, илгарилари «Қанча кўп маблағ сарфланса — шунча яхши» тарзида иш олиб бориларди.

— Қисқа вақт ичида олиб борган ишларимиз натижасидан шундай хулосага келдимки, — дея ҳикоя қилади маҳалла оқсоқоли биз билан суҳбатда, — ўз-ўзини бошқариш органи сифатида маҳалла қўмиталари ваколатларини кенгайтириб бориш сиёсати жуда тўғри сиёсат экан. Ҳар доимгидек Президентимизнинг мазкур соҳа бўйича билдирган мулоҳазалари, шу борада қабул қилган Фармонлари ва ниҳоят парламентимиз қабул қилган қонун ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, турар жойларда тинчлик, осойишталик, фуқаролик тотувлигини таъминлашга самарали хизмат қилмоқда.

Ҳа, Юртбошимизнинг «Кучли давлатдан — кучли жамиятга» деган шиорлари ҳаётимизга қатъият билан сингиб бормоқда. Давлат функцияларининг жамоат ташкилотлари зиммасига ана шундай ўтиб бориши эса фуқаролар масъулиятини ошириб, бошқарув ишларида тобора кенгроқ ва онгли иштирок этишларига олиб бормоқда. Демак, «Шодлик» маҳалласи тажрибасини умумлаштириб, тегишли баҳо бериш ва унинг кенг ёйилишига ёрдам беришнинг айни пайти келган дейиш мумкин.

Саид ВАЛИЕВ.

1999 — Аёллар йили

УЧ БОСҚИЧДА ЎТДИ

«Гулнора она» оила марказида Аёллар йили муносабати билан уч босқичли семинарлар ўтказиш режалаштирилган эди.

Бу семинарнинг биринчи босқичи «Оилада фарзандлар тарбияси» мавзусига бағишланганди. Иккинчи босқич эса «Тадбиркор аёл» ва «Соғлом оила» темасида бўлиб, унда кўпроқ иқтисодий мутахассислар ва шифокорлар маслаҳатига эътибор қаратилди. Ва ниҳоят учинчи босқич «Бахтли оила» мавзусига бағишланди.

Бу семинарни ташкил этиш ва ўтказишда оила маркази мутасаддилари жанубий кореялик етук психолог Жу Суин билан ҳамкорликда ишлашди. Унинг тажрибасига кўра 17 жуфт турли ёшдаги оилалар таклиф этилди. Бу оилалар шаҳримизнинг турли ҳудудларида иштиқомат қилишади. Улар жаноб Жу Суин томонидан «Бахтли оилани қандай ташкил этиш керак» деган мавзудаги лекцияни тинглашди. Сўнг психологик тест синовлари ва турли мавзудаги савол-жавоблар ўтказилди.

Натижа психолог кутган даражадан ҳам аъло даражада бўлди. Шундай қилиб, Аёллар йили муносабати билан режалаштирилган семинарларга якун ясалди. Бироқ ижобий самара берган тадбирларни, семинарларни жойларда намуна сифатида тадбиқ этиш, яхши ишларни давом эттириш лозимлиги борасида келгуси йил режалари тузиб олинди.

Дилобар МУХСИНОВА.

Қиш — синов даври

МУҲИМ ВАЗИФА

Шаҳримиздаги 1-трамвай саройида бўлиб, унинг бошлиғи Рўзимат Исмоилов билан транспортчиларнинг қиш пайтида қандай ишлашлари хусусида суҳбатлашдик.

— Трамвайчилар жамоаси турли миллат вакилларидан таркиб топган бўлсада, ҳамжиҳатликда йўловчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш йўлида меҳнат қилмоқдалар, — дейди Рўзимат Ҳолматович. — Ўтган ойда 1 миллион 390 минг ўрнига 1 миллион 443 минг йўловчи манзилини яқин қилдик. Йил бошидан бери 13,5 миллион кишига хизмат кўрсатиб, 2 миллион 359,3 минг километр йўлни босиб ўтишга муваффақ бўлдик.

Тонг саҳардан сарой дарвозасидан 70 та трамвай 1, 2, 5, 10, 16, 18, 26-йўналишлар бўйлаб ўз ҳаракатини бошлайди. Моҳир трамвай ҳайдовчилари Сергей Воробьев, Валентина Козлова, Шавкат Гиниятуллов, Зокир Турғунбоев, Панджи Юсуповлар йўловчиларга юксак маданий хизмат кўрсатишда ўрнак бўлишларидан жамоамиз мамнун.

Қишда ҳам аҳолига ёздагидек хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Икки сменадан таркиб топган 90 нафар трамвай «шифокор»лари 40 та вагонни қишга техник талаб даражасида тайёрлаб қўйдилар. Биринчи навбатда салондаги синиқ ойналар бутланди, эски ўриндиқлар созланди, ёриткичлари қайта назордатдан ўтказилди.

Ишчан сардор Николай Глухов етакчилигидаги таъмирловчилар 1- ва 2-техник хизмати самарадорлигини оширишда ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга эришмоқдалар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кўпгина эҳтиёт қисмлар ўзимизда ишлар чиқарилмоқда. Тормоз башмаклари, редуктор, кардан вали, двигатель, электр жиҳозларининг эҳтиёт қисмларини четдан олиб келишга эҳтиёж қолмади. Ўз касбининг моҳир усталари Алишер Йўлдошев, Сергей Попов, Суннат Ниғмоновлар томонидан таъмирланган трамвайлар муддатидан ортиқ йўл босяпти.

Шу ўринда аккумулятор цехининг сардори Шукрулла Раҳимовнинг таҳсинга сазовор меҳнатини қайд этмай иложим йўқ. Трамвай саройида жами 110 та аккумулятор бор. Ҳар бирининг оғирлиги 300 килограмм, уларнинг ҳар биттаси 8 бўғиндан иборат бўлиб, бўғинларида 5 тадан никел-металлдан қопланган банкалар мавжуд. Ўз касбининг устаси Шукур ака бу мураккаб жараённи моҳирлик билан уддалаб, қурилмаларни қиш мавсумига сифатли тайёрлади.

— Таъмирлаш устахоналари қиш шароитида ишлашга мослаштирилдими?

— Таъмирлаш устахона биноси, вагон ювиш цехи томларининг чириган тунукалари янгисига алмаштирилди. Ҳандақлар электр ёриткичлари ва иситиш шохобчалари билан таъминланди. Чилангарлар ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам таъмирлов ишларини қийинчиликсиз уддалай оладилар. Иситиш қозонлари ҳам талаб даражасида. Сув жўмраклари ҳам эътиборимиздан четда қолмади.

Яхмалак ерларни эритиш учун 40 тонна туз, 20 тонна қум ғамланган. Биринчи марта трамвай бошқарадиган ёш ҳайдовчилар орасида вагонни эҳтиёткорлик билан ҳайдаш ҳақида фойдали маслаҳат ва машғулотлар ўтказилди. Тасарруф бўлимининг тажрибали ҳайдовчиларини ёшларга бириктириб қўйишда ҳам кўпгина маъно бор. 150 нафар трамвай ҳайдовчиси касб маҳорати синовидан ўтказилди.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

Мустақиллик шарофати билан кўплаб юртдошларимиз қатори шифокор деган улуғ унвонни олиб, тиббиёт соҳасида зўр кашфиётлар қилаётган ҳамшаҳарларимизнинг номлари хорижий мамлакатларда эътироф этилаётганлиги озодликнинг бизга берган улуғ неъматларидандир.

Дарҳақиқат ўзининг бор билими ва маҳоратини беморни даволашга ҳамда инсон соғлиғини сақлашга фидойилик билан бағишлаётган инсонлар ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг мудири, профессор Эркин Қосимов ҳақида сўз кетганда уни билган кишилар ҳамда ҳамкасблари доимо Эркин ака ҳақида тўлиб-тошиб гапиришади, унинг тиббиёт фани соҳасида кўрсатаётган фидойиликлари тўғрисида фахрланиб сўзлашади. Ушбу сатрларнинг муаллифлари ҳам профессор Эркин Қосимов билан кўп марта дилкаш суҳбатларда бўлишган ва бу инсондаги камтарлик, одамларга бўлган эътибор ҳар бир киши учун ибрат намунаси эканлигининг жонли гувоҳлари бўлишган.

Ўзининг 40 йиллик тиббиёт соҳасидаги илмий фаолияти давомида 500 дан ортиқ илмий рисолалар, иккита дарслик, иккита монография, 33 дан ортиқ услубий қўлланмалар яратган, 6 фан доктори, 27 фан номзоди, 40 нафар клиник ординатор, минглаб талабаларнинг шифокор бўлиб етишишига устозлик ва домлалик қилган тиббиёт фанининг бу фидойиси яна бир қанча жамоат ишларини қилишдан асло чарчамайди. Ўзбекистон врачлари ассоциациясининг вице-президенти, Ўрта Осиё терапевтлари ассоциацияси раисининг ўринбосари, Тошкент терапевтлари илмий жамиятининг раиси, ректорлар раёсати қошида республика терапия соҳаси бўйича якка фан комиссиясининг раиси сифатида, республикада чоп этилаётган «Ҳамшира» журналининг Бош муҳаррири сифатида ва яна қатор жамоат ишларида фидойилик кўрсатаётган, қомусий ва луғатшунос олим, профессор Эркин Қосимовнинг серқирра фаолияти Америка Қўшма Штатларида ҳам эътироф этилди. Яқинда АҚШнинг Шимолий Каролина штатидаги Америка биография институти «2000 йилнинг нуфузли кишиси» деб номланган Олтин медаль билан таниқли

Ҳамшаҳарларимиз



АМЕРИКАДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ОЛИМ

ўзбек олимини мукофотлади. Эркин Қосимов ушбу институт Илмий кенгашининг фахрий аъзоси этиб сайланганги ҳақида диплом сертификати билан тақдирланди.

Ана шу хушхабар институт бутун жамоасини, профессор-ўқитувчилари ва талабаларини ғоят хушнуд этди...

Ҳали биз юқорида профессор Эркин Қосимовнинг 40 йиллик илмий фаолияти ҳақида фикр юритиб унинг асарлари ҳақида тўхталган эдик. Бинобарин, унинг илк илмий асарлари гепатологияга оид бўлиб, жигар ва ўт йўллари касалликларини даволашда ўт ҳайдовчи шифобахш ўсимликларни клиникага тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлган.

Шундан кейин қанчадан қанча сувлар оқиб ўтмади дейсиз. Олим ўзи танлаган, ўзи ихлос қўйган йўлдан изчил бориб гепатологиянинг долзарб муаммоларини очишда фаоллик кўрсатди. «Интилганга толе ёр» деганларидек, унинг бевосита ташаббуси билан институтнинг ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида гепатологик илмий гуруҳ ташкил қилинди. Бу борада айниқса чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди, сурункали жигар касалликларида жигарнинг клиник-иммунологик хусусиятлари ва уларнинг иммунокоррекцияси масалалари ўрганилиб, профессор Эркин Қосимовнинг бевосита раҳбарлигида бир қанча докторлик ва номзодлик диссертациялари муваффақиятли ёқланди. Олимнинг гепатологиянинг долзарб муаммолари бўйича Туркиянинг Бурса шаҳрида ўтказилган Халқаро конгрессида қилган илмий маърузасига дунё олимлари юқори баҳо беришди. Профессор Эркин Қосимовнинг гастроэнтерологиянинг бошқа соҳаларида, хусусан ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касалликларини, сурункали ошқозон ости бези яллиғланишини замонавий ташхислаш ва янгича даволаш муаммолари бўйича олиб бораётган ишлари ҳам диққатга сазовордир.

Олим туғма ва моҳир педагог сифатида талабаларнинг севимли устозидир. У таниқли деонтолог олим ва моҳир шифокор сифатида кафедрада тиббиёт деонтологиясини ўқитиш масалаларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Ана шундай самарали ва инсон саломатлиги учун ғоят керакли бўлган изланишлари учун Эркин Қосимов «Энг яхши профессор» ва 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтида хизмат кўрсатган энг яхши профессор фахрий унвонлари билан тақдирланди. Республика «Устоз» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари билан ўтказилган республика кўрик-танлови натижалари бўйича Эркин Қосимов ғолиб деб эълон қилинди ва «1999 йилнинг энг яхши ўқитувчиси» деган биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Мана энди таниқли ўзбек олимининг илмий ишлари, унинг салоҳияти океан ортида — Америка Қўшма Штатларида ҳам эътироф этилди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак ва ифтихор туйғуларига тўлсак арзийди...

Олим билан юртимизда инсон соғлиғини сақлаш борасида олиб борилаётган кенг қамровли, давлат аҳамиятидаги ғоят катта кўламли ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Инсон саломатлигини сақлашга мамлакатимизда жуда катта аҳамият бериляпти, — дейди профессор Эркин Қосимов. — Ана шу эътибор биз, тиббиёт соҳаси ходимларидан ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишлашни, тиббиётимиз йўлида изланишларни давом эттиришимизни талаб этади. Камина ҳам бу борада изланишда давом этиб, инсон саломатлигини сақлашдек олийжаноб ишда бундан буён ҳам ҳормай-толмай фаолият кўрсатавераман.

Ҳа, профессор Эркин Қосимовнинг халқимиз саломатлиги йўлида қилаётган ишлари чиндан ҳам таҳсинга сазовордир. Биз таниқли олим ва фидойи инсон Эркин Қосимовни узоқ Америкадан келган ажойиб хушхабар билан чин қалбдан қутлар эканмиз сўзимизни мухтасар этиб халқимизнинг севикли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг қуйидаги сўзлари билан дил изҳоримизни якунламоқчимиз.

Ажойиб шаҳри Тошкентда
шифокор домла Эркинсиз,
Беҳад ҳурмат, муҳаббатга сазовор
домла Эркинсиз,
Назокат, лутфу-эҳсон бирла элда
топдингиз ҳурмат,
Ҳамиша дўсту ёрга дўст, вафодор
домла Эркинсиз.

Солиҳ ЁҚУБОВ,
Қутбиддин НИЗОМОВ.

Шарқ дурдоналари

◆ Қаноат қилсанг ҳамма нарсадан озод бўласан. Дунёга мафтун бўлма ва очкўзлик қилмагинки, тириклик мавсуми жуда қисқадир.

Яна деди: Бирор ишни қилишда ўзинг ўз нафсингга рухсат берибсанми, агар уни бошқалар ҳам қилса, уни жазолама.

Яна деди: Сендан юз ўгирган кишининг суҳбатига интилиш жоннинг қадрини ерга уришдир, суҳбатингни тилаган кишини қайтариш эса олижанобликка нуқсон етказишдир.

Искандарга дедилар:

Агар Худойи таоло сенга ғалаба беришини хоҳласанг, кечирувчи бўл, чунки у кечиришни яхши кўради.

Ундан сўрадилар:

Сўзга усталик нима?

Айтди: Қисқа сўзлаш, аммо маъносини бузмаслик.

Деди: Аблаҳ кишиларда дўстлик, ёлғончиларда садоқат бўлмайди. Байт:

Эй биродар, ҳеч қачон ёлғон гапирма,
Чунки ёлғончи хор ва қадрсиз бўлар
Ёлғончилик кишини шармисор қилар,
Ёлғончилик одамнинг обрў-эътиборини кеткизар.

Яна деди: Эй фалончи, либосни ўзингга лойиқ кий ёки сўзингга яраша кийим кий!

АРАСТУ.

◆ Букрот ҳаким деди: — Агар киши ўзи мукаммал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса, одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди, жангу жадал олови сўнади.

Яна деди: Кўнглингиз душман деб ҳисоблаган кишидан эҳтиёт бўлинг!

Ҳақиқий маърифатга эришган комил одам шундай одамки, ундан нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар.

Яна унинг сўзларидан: Дунё йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди, кимки ундан бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса, фойда олади, кимки кўпроқ олишга интилса, куйиб қолиб, ўзига азоб беради. Байт:

Дунёда умринг бир кунчалик ҳам эмас, шундай экан
Ўн йиллик ризқни сақлаб нима қиласан?
Сенга тегишли ризқ у ердан юборилади.
Сен ўша берилган ризқингнигина бу ердан ололасан.

Афлотун ҳаким Суқрот ҳакимнинг шогирдларидан бири эди, сафарга жўнайдиган бўлиб қолди, хайрлашиш учун устозининг олдига келиб, насиҳат қилишни сўради. Суқрот унга шундай деди:

— Бировни яхшилиги орқали таниган бўлсанг, у ҳақда гумонсирама, биров билан олдиндан таниш бўлмасанг ундан эҳтиёт бўл. Тунда тушган манзилингдан ташқари чиқма. Емаган ва синалмаган мевалардан ема. Ўзингга таниш бўлмаган йўлдан юрма, узоқ бўлса ҳам таниш йўлдан юр...

Афлотун ундан сўради:

— Раҳмга сазовор киши ким? Одамларнинг иши қачон зое бўлади? Худойи таоло берган неъматларнинг эвази нима билан адо этилади?

Суқрот жавоб берди:

— Уч кишининг ҳолига раҳм қилмоқ керак. Биринчиси — бирор амирнинг хизматини қилаётган соҳибтадбир кишигаки, у кўриш керак бўлмаган нарсани кўради, эшитиш мумкин бўлмаган нарсани эшитади. Иккинчи — тарбия кунандаси нодон бўлмаган кишигаки, у ундан ҳамиша ранж тортади. Сахий одамгаки, у хасис одамга муҳтож бўлади, итоат қилиш ва кўз тикишдан ўзга чораси йўқ. Ишлар шундай пайтда зое бўлади: қўлингда яхши чора-тадбир бор, уни сендан қабул қилишмайди, бировда яхши қурол бор, аммо уни ишлатолмайди, бировда етарли мол бор, аммо бахиллиги сабабли ишлатолмай ўлиб кетади. Худойи таоло берган неъматнинг эвази кўп шукр айтиш, тоатни жойига қўйиш ва гуноҳ ишлардан қочишдир...

Афлотун ундан бу сўзларни эшитиб, унинг хизматини ғанимат деб билди ва ўлгунча ундан жудо бўлмади.

БУҚРОТ.

◆ Ҳинд подшоҳининг ҳикматга оид китоблари шундай кўп эдики, ҳатто юзта туяга юкласа ҳам кўплик қиларди. Подшоҳ энг улуғ ҳакимга: «Шу китоблардан қисқартириб ҳикмат ёзгинки, бу ҳикмат барча насиҳатларни ўз ичига олсин» деб буюрди. Ҳаким қуйидаги жумлаларни ёздики, бу жумлалар барчанинг назарида мақбулдур: «Биринчи — подшоҳлар ўзларини адолат билан безатишлари керак, иккинчи — халқ бундай подшоҳга эҳтиром кўрсатиши зарур, учинчиси — дарвишлар учун энг чиройли феъл — нафсни тийиш, тўртинчиси — эркагу аёллар учун энг чиройли ҳусн — шарму ҳаёдир».

Абдуллоҳ МУҚНИЪ.

◆ Луқмони ҳаким ўз фарзандига буюриб, деди: «Эй ўғлим, уч нарсани эҳтиёт қил. Аввало нариги дунё учун динингни эҳтиёт қил, иккинчидан — тандурустлик учун ҳикмат (табобат)ни эҳтиёт қил, учинчидан — тамагир бўлмаслик учун пулни эҳтиёт қил».

Омилар билан дўст тутинма, хасисдан нарса сўрама.

Яна айтди: Илм ўрган, кимнинг илми бўлмаса, иззати бўлмайди. Кимда ҳилм (ҳалимлик) бўлмаса, илмдан баҳра тополмайди. Кимда саховат бўлмаса, дўст бўлмайди. Кимнинг дўсти бўлмаса, давлати бўлмайди.

«Луқмони Ҳаким насиҳатлари»дан.

Қадриятларимиз

ШАРҚОНА ҚИШ БАЙРАМИ

Дунёдаги ҳамма нарсанинг ўлчов-меъёри бўлганидек, ўтган, ўтаётган ва келажак вақтнинг ҳам ўз ҳисоб-китоби бор.

Вақт — бир зум, бир дақиқа, бир фурсат, бир соат, бир кеча-кундуз ҳисобидан йиғилиб ўлчанади. Бу ҳисоб Ер шаримизнинг айланиш ҳаракатидан ҳосил бўлади, биз шундан ҳисоб олиб Наврўз байрамини, ёзги узун кунликни, мезон — Меҳржон ойида тенг кунликни, қишнинг биринчи ойидаги энг қисқа кундуз ва энг узун кеча (Ялдо тун)ни билиб оламиз.

Хўш, Ер осмону фалакда қандай ҳаракатланади?

Фазода Ер асосан икки хил: бир кеча-кундуз давомида ўз ўқи атрофида ва бир йил (365 кун) Қуёш атрофида ҳаракатланади.

Ер ўз ўқи атрофида бир марта айланиб чиқиши натижасида кун ва тун ҳосил бўлади.

Ер Қуёш атрофида бир йил давомида айланиши натижасида йил фасллари навбатма-навбат келади.

Бепоён самода Қуёшнинг атрофида айланиб чиқиш учун Ер 940 миллион километр йўлни секундига салкам 30 километр тезликда босиб ўтади, бу тезлик артиллерия ўқининг учиш тезлигидан ўн баравар катта демакдир. Ер ана шундай тезлик билан Қуёш атрофини 365 кун 5 соат 48 дақиқаю 46 сонияда айланиб чиқади. Ернинг Қуёш атрофидан бир марта айланиб чиқишига кетган 365 куну 6 соат вақт — йил деб аталади.

Бир йил давомида диёримизда тўрт фаслни — баҳор, ёз, куз ва қиш жамолини кўрамиз. 22 мартдан кунлар узайиб, 22 июндa энг узун кун 15 соатга етиб, тун 9 соат бўлади, сўнг 23 июндан кун қисқариб, тун узая бошлайди ва 23 сентябрда кун билан тун узунлиги тенглашади. Сўнг 24 сентябрдан кунлар қисқариб бориб, тун узая бошлайди, бу ҳолат 22 декабргача давом этади, 21 декабрда ҳижрий йил ҳисобининг тўққизинчи ойи — Қавс тугаб, унинг ўрнини ҳижрий йилнинг ўнинчи ойи — Жадий олади.

Қавс ойининг деярли охирги куни, милодий ҳисоб билан 22 декабрда тун ниҳоятда узайиб, 17 соату 3 дақиқани ташкил этади. Мана шу узун тун кечасини халқимиз «Ялдо туни» деб аташган. Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида «Ялдо туни», «Ялдо кечаси», «Ялдо» деб аталади.

Узун тунли бу кечани халқимиз севинч билан: «Бунга етганлар бор, етмаганлар бор» деб шукроналар айтишган, эркаклару хотинлар Ялдо кечасини мамнуният билан кутиб олиб, розилик билан кузатишган.

Мир Алишер Навоий бобомиз мана бу байтда дептилар:

Бўлмагай эрди фалакнинг
кийнаси даврида,
Бўлмаса «Ялдо туни»
ошиғлигим туғёнида.

Яъни: агар «Ялдо туни»да ошиқлигим туғёни авжига чиқиб самони безовта қилмаганида, фалак менда кийна (адоват) қилмаган бўларди.

Ялдо туни яхшилар шу узун кечага етишганлари учун ярим кечаларда муножат қилганлар. Ҳазрат Аҳмад Яссавий ёзган бир ҳикматда ҳам Ялдо кечаси зикр этилади. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз бу ҳақда шундай деб ёзадилар:

«Рум пойтахтига юришимдан аввал мақсадимга эришишимни олдиндан билиш учун Ҳазрат шайх Яссавийнинг қабрини зиёрат қилиб, ўша ерда фол очтирдим. Фолдан маълум бўлишича, жанг пайтида менга хавф дучор бўлармиш, лекин қуйидаги рубоийни ўқисам, шубҳасиз, муваффақиятга эришармишман. Оғир дақиқада менга ёрдам берадиган рубоий будир:

Ялдо кечани шаъми
шабистон эткон,
Бир лаҳзада оламни
гулистон эткон,
Бас, мушкул ишим
тушубдур, осон этгил,
Эй барчанинг мушкулини
осон эткон.

Бу рубоийни мен яхшилаб ёдлаб олдим, Қайсар билан бўлган жангда мен ўзимча уни етмиш марта қайтардим ва ажаб ғалабага эришдим.

Шоир Мирзо Абдулқодир Бедил: «Сен кун билан тун холин афлоқдин сўр» дейди.

Ялдо кечасининг узун тунлигини афлоқ-осмон фалакдан сўрайдиган бўлсак, бу узун кеча оламнинг мукаммал яратилиши, дунёвий нуқтаи назардан қараганда она-Сайёрамизнинг ўз ўқи ва Қуёш атрофидаги аниқ меъёрли ҳаракати билан боғлиқ эканлигига иймон келтирамиз.

Шоир Шайх Саъдий эса, ҳеч бир кундан дил ўртанмаслигини айтиб қоронғу тундан кейин ёруғ кун келишини бундай таъриф этган:

Дилинг ўртанмусун
ҳузурсиз кундин,
Ёруғ кун туғилур
қоронғу тундин.

Ялдо тунини халқимиз «Қадр кечаси» деб эъзозлаган:

— Сизда ойнинг кечаси,
— Бизда «Қадр» кечаси,

дейилган

Ялдо кечаларини илгари халқимиз ҳатто зориқиб кутишган. Қиш кезлари ҳафта сайин гап-гаштак (тўкма) ейилган. Бундай гап-гаштаклар жуда дилтортар бўлиб, даврага тўпланганлар ширингуфторлик билан суҳбат қурганлар.

Қишнинг рутубатли, узун кечаларида тўққиз, ўн бир, ҳатто ўн икки ёғочли уйларда бутун бир оила жамулжам бўлиб гурунглашиб ўтиришган. Ёзда дала боғларида етишган турли мева-чевалардан қишнинг оғир кунларига заҳиралар тўплаб-асраб қўйишган. Шаҳар ҳовлининг омборида гурунч, ун, мош, ловия, жўхори каби донлар, қовун, тарвуз, қовоқ, картошка, шолғом, сабзи каби неъматлар, қопларда ёнғоқ, жийда, магиз, турли мева қоқилар, уй шифтларидаги хари-тоқиларга осиб қўйилган беҳи, олма, анор, узумлар қиш дастурхонига файз бағишлаб, барака киритган. Омборда тузланган ёки қовуриб хумларга солиб қўйилган қўй эти, қази-қарталар тайёр турган.

Ёшу қари оқшом тушиши билан бозиллаб турган сандал атрофида жам бўлиб ўтириб, палов ёки норин тановул қилишган. Сандалдаги ёнғоқ, ўрик ёки саксовул ўтинининг лаққа чўғи оёқларга роҳат, танга қувват бағишлаган. Туршак, жийда, турли қоқилар, ҳўл мевалар овқатдан кейин эрмакка тановул қилинган.

Қиш ойларида хонадонларда кўпроқ иссиқлик овқатлар — норину қази, палову қовурдоқлар, юпқа, шилпилдоқ, лағмон, манти кабилар тановул қилиниб овқатдан кейин турли хўл мевалар, мева шарбатлари ичилган.

Ялдо кечаларида гап-гаштак ўйнаган хонадон соҳиби меҳмонларни тўкин дастурхон тузаб кутиб олишга алоҳида эътибор қилганлар. Қўй сўйилиб, тандир нонлар ёпилган. Қишга асралган яхши қовун-тарвузлар, узуму анорлар омборлардан олиб чиқилиб дастурхонга пешма-пеш тортиб турилган.

Узун қиш кечаларида уюштириладиган бу хил гап-гаштакларда бировни ғиғво қилиш, чалпиш, гина-кудурат қилишга мутлақо йўл қўйилмаган, шундай феълли кимса бўлса танбеҳ беришган ёки қаттиқ жазо — улфатдан четлатишган.

Аҳилу иноқ давра улфатлари кеча давомида бировнинг қизини турмушга бериш, қийналиб қолган оила бўлса ёрдам қилиш, тўй ва маъракаларни қандай ўтказиш каби муаммоларни ҳал этишган. Шу билан бирга, биринчи қор ёғиши муносабати билан «Қорхат» ижод қилишган, кейин китобхонликка берилиб Саъдийнинг «Гулистони»дан, Рабғузийнинг «Қиссаси анбиё»сидан, «Юсуф ва Зулайхо»дан, Румий маснавийларидан, Яссавий ҳикматларидан, Машраб, Навоий, Ҳофиз, Бедил ғазалларидан ўқиб издиҳомни дилкашликка тўлдирганлар.

Ялдо кечаларида «Тенг тенги билан» қоидасига амал қилиб, кексалар алоҳида, ёш-яланглар алоҳида, оила, бола-чақаликлар алоҳида ўз давраларида ва тенг-таниш-лари билан гурунг қурганлар.

Хотин-қизлар ҳам тенг-тенгқурлари билан йиғилишиб, кўнгил очишган. Улар рақс тушиб, ялдо кечасининг қўшиқларини хиргойи қилишган, дутор-доира чалиб ўйин-кулгини қизитганлар. Оиласидан чиқишни истамаган аёллар уйидаги хотин-халажлар билан суҳбат қуриб, оқ ёки қора сақич чайнаб дўппи, қийиқ, тўн тикишган, тивит (жун) ва пахтадан чархда ип йигиришган.

Ҳар бир маҳаллада бешолти ўринда чойхоналар бўлиб, қиш кечаларида бу издиҳомда жамоат йиғилиб гап-тўкма ташкил этишган, бундай гап-тўкмаларга сайёҳлар, ўзга юртлик мусофирлар, олиму фозиллар, шоиру қаландарлар қатнашганларки, улардан одамлар кундалик ҳаётдан, сиёсат ва маърифатдан янгиликларни тинглаб маънавий-маърифий озиқ олганлар. Овози ширалі шикаста халқ ашулачилар «Гулёрахон — гулёра» каби қўшиқларни айтиб, ўйинга тушганлар.

Қишнинг энг узун ва қоронғу кечаси бўлган Ялдо тунини, умуман қишнинг рутубатли кечаларини доно ва хушчақчақликни севган халқимиз ажойиб тадбирлар билан ўтказишганки бунга дунёнинг барча халқлари ҳавас билан қарашига шубҳа йўқ. «Ялдо кечаси» урф-одатлари, тадбирлари ва анъаналарини чуқур ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш — қадриятларимиз хазинасига дурдона бўлиб қўшилади деб умид қиламиз.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди, элшунос.

ЯЛДО ТУНИ

21 декабрдан 22 декабрга ўтар кечаси қишки тенгкунлик бўлиб, тун қисқариб, кундуз узая бошлайди. Бу кечани Шарқда «Шаби ялдо» деб атаганлар. Бизда эса, Навоий тили билан айтганда, «Ялдо туни» дейилади.

Ота-боболаримиз табиатнинг турли хил белгиларига эътибор берганларидек, ялдо кечасига ҳам диққат билан қараганлар. Кундузнинг узайишини хурсандчилик билан кутиб олганлар. Бу тунга атаб алоҳида удумлар ҳам мавжуд бўлган. Мининг қиблагоҳим, араб ва форс тиллари билимдони, табобат, шариат, тарих ва одоб-ахлоққа оид 20 дан ортиқ асарлар муаллифи Мулла Ҳасанхон Махдум (Восилий) бу тунни ўзгача бир руҳият билан кутиб олардилар. Улар бу тунда ёру биродарларини йиғиб, катта зиёфат ташкил қилардилар. Қиблагоҳимнинг мухлислари одатда деҳқонлар бўлиб, уларнинг ҳар бири биттадан тарвуз кўтариб келардилар. Шу куни кечаси қўй ёғида қилинган девзира паловни еб, тарвуз хўрлик қилардилар.

Бундай ўтиришларда мен ҳам бир неча марта иштирок этганман. Қиблагоҳим ўтирганларга ўзлари ёзган «Мажмаъ ул-адвия» («Даволар мажмуаси») ҳамда бошқа тиббий китоблардан тарвузнинг хосиятларини, бундан ташқари, фаннинг турли соҳаларига оид асарлардан ҳам айрим парчаларни ўқиб берар эдилар. Ўтириш шеърхонлик, ўйин-кулги ва хурсандчилик билан ўтиб, кеч тунда тарқалиб кетишарди. Мен ўша ўтиришлардан сабоқ олган ҳолда ўз фарзандларим ва яқинларим билан ҳар йили ялдо кечасида ўтириш ташкил қиламан ва албатта дастурхондаги энг азиз неъмат бу тарвуз бўлади. Бу йилги ялдо кечасига атаб бир шеър ёзган эдим, бугун уни «Оқшом» ўқувчилари билан ўртоқлашмоқчиман.

Келди жаҳон узра бугун ҳоким бўлиб Ялдо туни,
Тунлар аро келинчаги, табиатнинг авло туни,
Ушбу тунни байзо[1] дема, тунлар аро савдо[2] туни,
Тун қораю, кўнгиллар оқ, шодлик учун маъво туни,
Фароғатнинг асосию, маишатнинг аъло туни.

Самоларга айла назар туну кундуз тенг бўлдилар,
Нурга тўлиб анжумлари[3] ойу юлдуз тенг бўлдилар,
Тунни қувиб, кундуз келиб, чун юзма-юз тенг
бўлдилар,
Еру само, Ойу Қуёш, қоида туз, тенг бўлдилар,
Шаби ялдо ялдо эмас, бугун бизга ялло туни.

Аё рафиқ, кулги билан дастурхонга тарвузни сол,
Ўйнатурга даврамизга ўшал қоши қундузни сол,
Рубобингни чертиб аста ашулага Юлдузни сол,
Насибани шўх куйлатиб, ўйинига Дилфузни сол,
Ялдо туни мис тунимас, балки бу тун тилло туни.

Қўй ёғию девзирада паловингни келтир бугун,
Юракларни ёндирувчи қаловингни келтир бугун,
Ишқ ўтида кул қилувчи оловингни келтир бугун,
Жон беришга шай бўлибмиз, сўровингни келтир бугун,
Шаби ялдо ялдо эмас, бизлар учун фидо туни.

Тарвузларнинг шарбатидан тутгил, пари, сипқарайлик,
Қайғулардан бир умрга бўлиб нари сипқарайлик,
Тарвуз суви қиш фаслининг зебу зари сипқарайлик,
Айирмагил бизларни деб ёшу қари, сипқарайлик,
Ялдо тунин ялдо дема, баданларга даво туни.

Кеча-кундуз тенг бўлдилар, жоно, биз ҳам тенг
бўлайлик,
Юзма-юзлаб ўтиришиб, тизма-тиз ҳам тенг
бўлайлик,
Ёшу қари, эру хотин, йигит-қиз ҳам тенг бўлайлик,
Ёрдамлашиб бир-бировга, изма-из ҳам тенг бўлайлик,
Ялдо туни бизлар учун бўлмасин ҳеч жудо туни.

Тарвузингни қизил суви қизил қондек оқаверсин,
Томирларга ҳар томчиси бўлиб жондек оқаверсин,
Девзирали паловларинг тубсиз кондек оқаверсин,
Нозу неъмат бизлар учун бепоёндек оқаверсин,
Ялдо туни, ялдо эмас ашулаю наво туни.

Эй Муҳиббий, меҳмонларга зиёфатни қуюқ қилгин,
Илтифотни кўпайтириб, латофатни қуюқ қилгин,
Қадрин билиб ялдо тунин, назокатни қуюқ қилгин,
Фасоҳатни ишга солиб, балоғатни қуюқ қилгин,
Қутлуғ бўлсин барча учун бу улуғвор Ҳудо туни.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари фондининг мудири, тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

1. Байзо — оқ.
2. Савдо — қоп-қора.
3. Анжум — юлдузлар.

Ҳаёт сабоқлари

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН

Осмон нигоҳи ерга тушса, икки қалбнинг туташмоғига ҳеч ким, ҳеч нима тўсиқ бўла олмас экан. Муҳаррамхон ёлғиз ўғлини уйлантираман деб, қиз қидириб бормаган жойи қолмади. Бири у деди, бири бу деди — мурод ҳосил бўлавермади. Ўғли ҳам «шуниси маъқул» дея қолмади. Бир куни укасининг рафиқаси қўшнисининг синглиси етилиб турганини айтди.

Буни қарангки, укасиникига шунча бориб, ўша қўшниникига ҳам бир неча марталаб кириб, шу қизни ўйламабди. Ахир, қиз опасиникига келганларида уни кўрган-ку. Иш ҳам осонгина кўча қолди. Ўғлининг бир йилдан бери тоғасиникига серқатнов бўлиб қолгани бежиз эмас, қизни кўриб-билиб юрган экан-ми, «Шунга бора қолинглар» деди. Ниҳоят, фотиҳа бўлди. Озроқдан кейин куёв тарафга нобопроқ гап етиб келди. Хотин қуда бўлмишга кимдир: «Вой, домга қиз берасизми?» деган экан, у: «Ҳа, нима қилибди, миллионерга қиз бериб кўрдик, энди камбағалдан ҳам қуда қилайлик-чи», дебди.

Муҳаррамхон ўғлининг кўнглига яна бир қўл солиб кўрди. Унинг қарори қатъий бўлиб чиқди. Ўртага совуқчилик тушмасин деб, эшитганини ўғлига билдирмади. Тўй юбориладиган кин бўлмишнинг катта поччаси — қизнинг Муҳаррамхон укасига қўшни опасининг эри келиб, куёв бўлмишнинг дадаси Абдусаттор акага: «Қудахола илтимос қилиб юбордилар, қирқ килодан кам гуруч дамламас экансиз келинникига юбориладиган ошга, — деди, — таниш-билишларимиз, қариндош-уруғларимиз кўп, маҳалламиз ҳам катта деяптилар».

Абдусаттор ака «командирлик қизиқ-ку» деб ўйлади-ю лекин сир бой бермай, айтилганча гуруч дамлаб юборди. Бироқ, бу ёғи қандоқ бўларкин? Никоҳ куни ҳам бирон «илтимос» чиқиб қолмасмикин? Хайрият, хавотирланиши ноўрин бўлиб чиқди. Никоҳ ҳам, бошқа қудачилиқ муомалалари ҳам ёмон ўтмади. Тўй муносабати билан олган таътиллари тугаб, куёвтўра ҳам, келинпошша ҳам ишларига чиқиб кетишди. Кундалик уй-рўзғор, хизмат тараддудлари бирин-кетин ўтаверди.

Бир ярим йил деганда ёшлар фарзандли, катталар неварали бўлишди. Бир ажойиб ўғил туғилди. Ҳаммаёқ хурсандчилик. Лекин чақалоқнинг чилласи чиқмасдан келин боласини кўтариб, онасиникига кетиб қолди. Муҳаррамхон хафачилик газак олиб кетмасин деб, икки кундан кейин ўғлига,

— Абдуҳамид, ўғлим, оилада бунақа ишлар бўлиб туради. Эскитиб юбормай бориб олиб келгин, жон болам, — деди.

Абдумалик кўнмади. Ўзи кетган — ўзи келаверсин, деб туриб олди. Ўғлининг қайсарлик қилаётганини Муҳаррамхон эрига айтди. Абдусаттор ака келинини олиб келгани борди. Буни кўрган қудаси тайёрлаб қўйган ҳамма гапларини бир чеккадан тўкиб солди. Ниҳоят, бир пиёлада қизил сабзи олиб келиб, қирғичдан ўтказиб, қизига узатди:

— Ол болам, булар сени ўйлашмаса, мана мен борман, хотин бошим билан бўлса ҳам, ташлаб қўймайман, оч қолсанг, телефон қил, ўзим олиб бориб бераман, нима керак бўлса, — деди.

Қанчалик ноҳақ, қанчалик ҳақорат бўлмасин, қудасининг бу гапи қизини бериб юборишга кўнганини билдирарди. Хуллас, Абдусаттор аканинг оғирлик қилиб, қаттиқ гапирмагани тузук бўлди. Келинини уйга олиб келди.

Олиб келди-ю эртасиданоқ ажиб ишлар бошланди. Келин қайнонасига қаттиқ-қурум гапирадиган одат чиқариб, ҳатто: «Менинг қариндошларимникига қадам босманг», деди. Шу-шу қайнона келинининг авлоди тўй-маъракаларига бормайдиган бўлди. Куда-андачиликка дарз кетди. Муҳаррамхон келинини олиб юриш ҳузуридан ажралди. Келин аста-секин уйдаги йиғиштириш ишларига қарамай қўйди. Ошхонада уйилиб қолган идиш-товоқни ювиб қўяверишга бора-бора қайнонага эриш туюлди. Буни сезган Абдусаттор ака кечалари туриб, ўша лаган, коса, қозон, чўмич, қошиқларни ювиб қўяверди. Муҳаррамхон келини бери қарай бошлади, деб хурсанд. Келин эса «ахийри ўзи ювиб қўядиган бўлди-ку» деб хотиржам. Натижада хира кўнгилларга озроқ бўлса-да чироқ тушди.

Топган йўли ўзига маъқул келиб, Абдусаттор ака кўп найрангларни билиб-билмасликка олишни одат қилди. Муҳаррамхон ҳам шу йўлга ўтди. Келининнинг онаси ҳар куни, кун ора қизиникидагилар ишга кетаётганда пайдо бўлиб, ҳаммага кўрсатиб, қўлидаги тугунчадан коса чиқариб: «Қизинг бўлгандан кейин ўйлар экансан, оч юрмасин дер экансан-да» деса ҳам, куёвини ишхонасидаги байрам зиёфатидан шошилинч чақиртириб келиб: «Ичиб юргандан кўра, участкага пул йиғсанг бўлмайдими?» деб жанжал кўтарса ҳам индашмади. Шу тариқа ҳеч бўлмаса ташқаридан бу оила тинч кўриниб турди. Шунинг учун Абдусаттор аканинг туғилган кунидаги воқеани ҳеч ким кутмаган эди.

Шу куни биринчи бўлиб Муҳаррамхон, кейин ёлғиз ўғил Абдуҳамид билан келинпошша Муаттархон Абдусаттор акани табриклашди-да, келиш эҳтимоли бўлган меҳмонларни кутишга тайёргарлик кўришди. Кечқурун меҳмонлар келди. Ширин-ширин сўзлар айтилди. Ҳамма хурсандчилик билан ўтириб, соат ўнларда хайрлашиб кетди. Энди ўзимиз меҳмон бўламиз деб столга ўтиришганда, эшик қўнғироғи жиринглади. Келин бориб очди. Қуда, унинг катта куёви, бир ўғли кириб келишди. Табриклаш у ёқда турсин, салом-аликни ҳам йиғиштириб қўйиб, қуда қизига: «Бор, болани олиб чиқ!» деди. Келин ўғилчасини тайёрлаб қўйган экан, кўтариб чиқа қолди. «Сизларга тўй бу ўтиришинглар, бизларга аза, — деди қуда. — Хўв худо кўтарсин бунақанги хонадонни. Юр, қизим, елкангни чуқури кўрсин буларни!»

Бир нима деб улгурмаган мезбонлар ҳанг-манг бўлиб қолишди. Болани қўлимга олсам, оҳистароқ гаплашармиз, деган умидда Абдусаттор ака набирасини кўтариб олган эди, келини: «Болага қўлингизни урманг» деб, қўлидан юлқиб олди, олдиндан тайёрлаб қўйилгани кўриниб турган бўхчасини кўтариб, эшик томон йўл олди. Қуда: «Ана энди тантана қиларинглар» деб, қизи кетидан юрди. Келиннинг поччаси ҳам, акаси ҳам индамай уларга эргашди.

Шу кетганча бир ой ўтди. Ҳеч қандай дарак бўлмади. Абдуҳамид эса бормади ҳам, хабар ҳам олмади. Абдусаттор ака билан Муҳаррамхон нима қиларларини билмай юрганларида Абдуҳамиднинг кичик аммаси воқеадан хабар топиб, келдида унга: «Сизларни миниб олишмоқчи, бу тутаётган йўлларидан сезилиб турибди, — деди. — Ўзинг ўйла, фарзанд кўргунингча ҳеч қанақа жанжал-можаро йўқ эди. Қайнонанг қизининг бўйида бўлмаса, қўйиб юборади, деб қўрққан. Демак, у қизининг ажралишини хоҳламайди. Мана энди фарзанд берди Худойим. Берганда ҳам паҳлавондай ўғил берди. Энди тилимиз узун деб, қилаётган найранги бу ларнинг. Бунақада вазмин бўлсанг ютасан. Ҳеч шошилмагин. Фақат хотинингдан ҳам, ўғлингдан ҳам кечишни хаёлингга келтирма. Қизишмагин».

Амма акасига ҳам, келинойисига ҳам шу мазмунда гапирди. Улар қандай бўларкин деб юришганда Муҳаррамхоннинг ишхонасидаги бир опахони: «Энди бўлар, куёвтўрага айтинг, олиб келсин», деб қолди. У келин томонга узоқ қариндош эди. Воқеадан хабардор экан. Муҳаррамхон келинини ҳеч ким кетказмаганини, ким олиб кетган бўлса, ўша олиб келиши кераклигини, агар келса, нега кетувдинг, нега келдинг, демаслигини айтди. Эртасига шу опахон Муаттархонни қўлида ўғли билан бошлаб келди.

Шундай қилиб ёш оила қайта тикланди. Лекин совуган кўнгил батамом илиб кетмади. Ўтган нохушликлар тош бўлиб босиб тураверди. Унинг устига яна майда-чуйда гаплар чиқиб, кескин бир иш қилинмаса бўлмай қолди. Абдусаттор ака ўғли билан гаплашиб, Муҳаррамхонга маслаҳат солиб, ёшларни бўлак қилишди.

Шундан бери ўн беш йил ўтди. Умуман ёмон бўлмади. Куда томоннинг мақсади ўзи шу эканми, икир-чикир гаплар деярли барҳам топди. Эндиликда Абдулҳамид билан Муаттархон икки ўғил, икки қизнинг ота-онаси. Туриш-турмуши ҳам тузуккина.

Фақат икки томоннинг ҳам ўз армони бор. Ота билан она набиларининг улғайиши, боғчага, мактабга бориши кўзлари ўнгида бўлмаганидан, ёлғиз ўғиллари билан келинлари бағирларида эмаслигидан, айниқса, кексаликда вақти келиб, ёлғизлик қилиб қолишлари мумкинлигидан армонда бўлсалар, ўғил фарзандлик бурчини тўла адо этолмаётганидан, турмуш урнишлари билан бўлиб, ота-онасидан вақтида хабар ололмаётганидан хижолатда. Келин-ку: «Ўшанда қилаётган ишимдан қайтарадиган биронта одам бўлганда, хизматингларни қилиб юрган бўлардим» деб, қайната-қайнанасига очиқдан-очиқ айтади.

Куда-андачилик шундай ниҳоятда нозик муносабат экан. Бир дарз кетса, уни чегачи ҳам бутунлаб бера олмайди. Шунинг учун куда танлашдан бошлаб, умрбод авайлаб муомала қилиш керак. Эҳтиётсизлик ёшларнинг чинакам аҳил бўлиб кетмаслигига ҳам, боши жанжалдан чиқмай қолишига ҳам, бефойда армонларга ҳам сабаб бўлар экан.

Эркин ЖАББОРОВ.

Бугунги кунда шаҳримизда ўнлаб стоматология шифохоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шулардан бири Жарқўрғон кўчасида жойлашган «Шафоатхон» стоматологик шифохонасидир. Бу жойда болаларга хизмат кўрсатиш бепул амалга оширилади.
СУРАТДА: тажрибали протезчи Марат Билял. Усмон Усмонов олган сурат.

«Ишонч телефони» хизматингизда

ҚЎНҒИРОҚЛАРИНГИЗНИ КУТИБ ҚОЛАМИЗ

Ҳаётда кўпчилик телефонни ёқтиради. Бунинг сабаби маълум. Инсонлар айнан мана шу телефон орқали тезроқ иш битказадилар, икки оғиз сўз билан дардларига малҳам оладилар. Бизнинг «Ишонч телефони»миз ҳам тобора ҳамшаҳарларимизнинг дардкаш дўстига, юрак маҳламига айланиб бормоқда. «Ишонч телефони»ми, деган қўнғироқлар фақат пайшанбани кутиб ўтирмай, ҳар куни бўлиб турибди. Онахонларимиз, опа-сингилларимиз қалб изҳорлари, дардлари ва газета орқали кўрсатилган ёрдам, амалий чора-тадбирлардан мамнун бўлаётганликларини баён этишмоқда. Уларнинг аксарияти бугунги кундаги юртимиздаги тинчликни қадрлаб, хушёрликни ошириб боришни, бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлишни тилашмоқда.

Ҳамза туманидан Санобар Холматова бизга телефон орқали қуйидагиларни билдирди.

— Ёшим 41 да, аммо қандли диабет касаллигига мубтало бўлганман. Шу касаллик туфайли II гуруҳ ногирони ҳисобланиб, беш йилдан буён пенсиядаман. Авваллари шундай касаллик билан оғриб махсус рўйхатда турганлар учун дорилар арзонлаштирилган баҳода берилар эди. Кейинги вақтда бундай хизмат усули йўқ бўлиб боряпти. Бизга керакли дорининг тижорат ва хусусий дорихоналардаги баҳоси 7—8 минг сўмга чиқиб кетган. 3400 сўмлик нафақа пули билан бундай қиммат дорини олишга имконим етмаяпти, илтимос, ёрдам беринг.

Санобархоннинг илтимослари билан биз Ҳамза тумани ҳудудий-тиббиёт бошқармаси мутасаддиларига мурожаат этдик. Бошқарма раиси ўринбосари Зуҳра Иброҳимова қуйидагича жавобни қилди: **«Бемор Холматова чиндан ҳам бизнинг рўйхатимизда туради. Унинг илтимосини инобатга олиб бош эндокринолог назоратидан қайта ўтказамиз ва аниқ кўрсатилган ташхис маълумотларига қараб унга ёрдам берамиз».**

Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқиб, бири инсонни яшнатади, иккинчиси эса қақшатади. Бунга қуйидаги мисолни келтиришимиз мумкин.

— Қўпол муомала, бир оғиз ҳақоратли сўз мени сизларга сим қоқишга мажбур этди, — дея гўшакдан йиғи аралаш овоз эшитилди, танишдик. У Собир Раҳимов туманидан Гулсанам Фозилова экан. — **«Кўзим ожиз, II гуруҳ ногиронимман, ёлғиз яшайман. Турмушимиз яхши бўлмагач, фарзандим ҳам бўлмаган, 54 ёшга кирдим. Тўқсон ёшли онамнинг ҳолидан хабар олиб туришим керак. Шунинг учун кўпроқ уларнинг олдида бўламан. Менга қарашли Янги ТошМИ даҳаси, 3-уй, 55-хонада кам тураман. Бу ерда фақат келган вақтимда электр энергиясидан фойдаланаман, бошқа вақт ҳисоблагичим айланмай тураверади. Яқинда Собир Раҳимов тумани электр тармоқларидан фойдаланиш бошқармасига ҳақ тўлагани борган эдим, тўсатдан унинг раҳбарининг қўпол муомаласи, манманлигидан қаттиқ озор чекдим. У ҳеч қандай тушунтиришсиз қарзим борлигини айтиб, «Сизнинг ишингиз судда кўрилади. У ёғи ўзингизга маълум. Нега шу вақтгача қарзингизни тўламайсиз» деб дағдаға қила кетди. Унга ётиғи билан гапирсам: Менга қаранг, мен ҳеч кимдан қўрқмайман. Кимга арз қилсангиз қилаверинг», деб дўқ уриб берди. Тавба, менинг айбим нима? Кўзимнинг ожизлигими, ногиронлигимми, аёллигимми?»**

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси мутасаддиларига Собир Раҳимов тумани электр тармоғи бўлими бошлиғининг ушбу «фазилатларини» баён этган эдик, қуйидаги жавобни олдик.

— Гулсанам опанинг электр ҳисоблагичлари бориб текшириб кўрилди. Тартиб-қоидага кўра абонент ҳам хатоликка йўл қўйган. 1998 йил июль ойидан то шу вақтгача электр ҳақини тўламаган. Текширувда у кишининг маълум имтиёзга эга эканликларини ҳам инобатга олдик. Собир Раҳимов тумани электр тармоғи бўлими бошлиғи Тоҳир Одиловга абонентга қўпол муомаласи учун хайфсан эълон қилиниб, тартибга чақирилди.

— «Ҳаётда яшаш оғир, дейишса ҳайрон қолар эдим. Бу гапнинг маъзини энди чақяпман, — деб нола билан гапирарди юнусободлик Нигора Ҳамидова — **Ёшим 23 да. Ҳаётда бир қоқилдим. Сўраб-суриштириб Тошкент тумани Абдураҳмонов жамоа хўжалигида яшовчи Дилшод исмли йигитга турмушга чиқан эдим. Бироқ унинг ичкиликка ружу қўйиши оқибатида олти ой деганда ажрашиб кетдик. Энди уйдагилар турмушга чиқ ёки совчи келди, дейишса юрагим безиллайди. Сизлар нима дейсизлар, агар яна турмуш қурсам бахтли яшай оларманман, маслаҳат беринг».**

Нима ҳам дердик. Синглимиз Нигорахон, сизга айтадиган гапимиз шу: турмуш қийин, у катта синовлардан иборат. Ана шу оғирликлар юкини кўтара олган инсонгина ҳаётда ўз мақсадига эришади. Ёлғизлик эса фақат Оллоҳга хос. Албатта ҳаётда ўз жуфти ҳалолингизни топганингиз маъқул.

— «Ишонч телефони»га бир масалага ойдинлик киритиш ҳамда таклиф маъносида қўнғироқ қилаяпмиз, деб ўзларини таништирди Ҳамза тумани Алиев кўчасининг тугаш қисмида яшовчи бир гуруҳ аёллар номидан Умидахон.

«Таклифимиз шундан иборат. Алиев кўчасининг бошланишида жуда кўп транспорт юради. 23, 26, 61-йўналишлар бўйлаб қатновчи автобуслар, 5, 18, 45, 47-маршрутдаги таксилар Миршаропов кўчасидан «Янгиобод» даҳасига қараб бурилиб кетади. Кўчанинг охири, Тошкент Ҳалқа йўли орқали Роҳат кўли томонга қараб эса атиги битта 54-автобус юради. Бизнинг таклифимиз мана шу 54-автобуснинг йўналишига яна бирорта автобус ҳамда маршрут такси қўшилса ва уларнинг йўналишини Алиев кўчасидан Тошкент Ҳалқа йўли орқали Шохсанам кўчаси бўйлаб Янгиобод кинотеатри, «Янгиобод» улгуржи савдо марказига ёки Қўйлиққача узайтирилса айни муддао бўлар-ди.

Умидахоннинг бу таклифини «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг эътиборига ҳавола этишга ваъда бердик.

Азиз муштарийлар, шундай қилиб бугунги мулоқотимизга якун ясасак-да, лекин сиз билан 132-11-39 рақамли «Ишонч телефони» орқали бўладиган баҳсимиз ҳамиша давом этаверади.

Қўнғироқларингизни кутиб қоламиз.

Гулзода МАМБЕТОВА.

Мулоҳаза

ШАРАФЛИ ВАЗИФА

Ота-оналарга маълумки, бошланғич синфларда ҳар бир синфни бир ўқитувчи ўқитади. 5-синфдан бошлаб фанлар бўйича алоҳида-алоҳида ўқитувчи дарс беради. Ана шу ўқитувчилардан бирини мактаб дирекцияси шу синфга синф раҳбари қилиб йил бошида белгилайди.

Синф раҳбарининг иши кўп қиррали бўлиб, шулардан бири болани оилада тарбиялаш масаласида ота-оналарга ёрдам беришдан иборат. У боланинг мактабда олаётган тарбиясини оилада олаётган тарбияси билан солиштириб, ўқишда яхши натижаларга эришувини таъминлайди. Синф раҳбари ота-оналар билан ўтказиладиган турли йиғилишларида ва яккама-якка суҳбатларида бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган, ота-онанинг асосий вазифаси ҳисобланган масалаларга эътибор беради.

Ёшларни тўғри тарбиялашдаги асосий вазифаларидан бири — уларни ўзларидан катта ва кичикларга ҳурмат билан қарайдиган, тўғри топшириқни итоаткорлик билан бажарадиган қилиб ўстиришдир. Бунинг учун ҳар бир ота-она аввало ўз фарзандлари олдида ҳурматга сазовор бўлишлари шарт.

Тажриба шуни кўрсатдики, ўз ота-онасини ҳурмат қилмай, уни менсимаган бола бошқаларга ҳам шундай қараши мумкин экан. Бунинг учун ота-она ўз фарзандлари олдида бачканалик, бир-бирига тегажоқлик қилмаслик, бўлар-бўлмас гапларни гапирмасликлари лозим. Муомалада, иззат ва ҳурматда қунт ҳамда чидам билан ишлашда уларга ўрнак бўлишлари лозим.

Шундай ота-оналар ҳам бўладики, улар болага бир иш буюришади-ю, лекин ижросини кутишмайди ёки эсларидан чиқариб қўядилар. Бола бундай ҳолатларда топшириққа бепарво қарайдиган бўлиб қолади. Болага топширилган ишнинг натижасини талаб қилишда, ўз вақтида бажарилмаган ёки сал бўлса ҳам шу ишни бузиб қўйгани учун уни койиш, жеркиш, ҳаддан ташқари дўқ қилиш ярамайди. Чунки унда бўлган иштиёқ сусайиб қолади. Лекин болаларга ялиниш орқали иш буюриш, овқат етидириш, кийим кийдириш, дарс тайёрлатиш, ҳадеб «жон болам» деб эркалаш ҳам ярамайди. Чунки бундай ҳолатларда бола ҳоҳласа иш қиладиган, ҳоҳламаса қилмайдиган бўлиб қолади. Бундай бола инжиқ, ўжар, қайсар ёки тантиқ бўлиб, «мен нима десам ота-онам кўнар экан», деб топшириқни ўз вақтида бажармайдиган, катталарнинг гапини қулоққа олмайдиган бўлиб қолади.

Ҳар бир ота-она болалар томонидан бажариладиган ишларни олдиндан белгилаб бориб, уни устидан назорат қилиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Бу эса, болада меҳнатга ва ўзидан катталарнинг топшириғини бажаришга кўникма ҳосил қилади. Ўзига топширилган ишни бажариш билан катталарга фойда келтираётганини, ёрдам бераётганини сезиб фахрланади. Болада фақат ота-онаси учун эмас, кўпчилик ва жамоат учун фойда келтириш, ёрдам бериш иштиёқи шаклланади.

Айрим ота-оналар фарзандларига мутлақо иш буюрмайдилар. Болалар бажариши лозим бўлган гулга сув қуйиш, ҳовлини супуриш каби ишларни ҳам ўзлари қилиб, ўғил-қизларини аяйдилар.

Бундай тарбияни кўрган бола катта бўлганда ҳам бирор меҳнат қилишга қовушмайдиган бўлиб қолади.

Боланинг ўқиши ота-она ва давлатимиз олдидаги биринчи ва асосий вазифа ҳисобланади. Жамоат ташкилотларидан бирида ишлайдиган катта ёшдаги кишилар ўз вазифаларига қандай масъулият билан қарасалар, ўқув ёшидаги болаларнинг ўқиши ҳам шундай масъулиятли эканини англамоқлари лозим. Буни тўғри тушунган ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг нормал ўқиши учун тўла шароит яратиб беришлари керак.

Болага топширилган бирор иш ёки ўқитувчи томонидан берилган уй вазифаси оғир туюлиши мумкин. Бундай ҳолатда унга ёрдам бериш лозим. Лекин, «ёрдамлашаман» деб унинг ишини бажариб бермаслик керак. Балки, йўл-йўриғини кўрсатиб, тушунтириб, мустақил ишлашига имконият яратиш даркор. Бунда ўқийинчиликларни енгишга, ўзи олдида турган вазифани мустақил бажаришга одатланади. Қилган ишининг натижасидан қувонади, келгусида эса ҳар қандай топшириқни ҳавас билан бажариб, охирига етказишга интилади.

Фахриддин НУРИДДИНОВ,
кекса муаллим.

ИНГЛИЗ ҲАЖВЛАРИ

Бир куни ҳамшира касалхонага аскарнинг хонасига келди ва унинг вафот этганини кўрди.

— У омадли экан, — деди ҳамшира. — Чунки полковник уни қурилиш батальонига юборишни буюрган эди.

* * *

Капитан аскарга душманнинг ҳарбий базаларини аниқлаб, харитага ёзиб келишни буюрди.

— Хўп бўлади, — деди аскар ва жўнаб кетди. Икки кундан кейин аскар қайтиб келди ва деди:

— Кечирасиз, мен сизнинг буйруғингизни бажара олмадим.

— Нима учун? — дея ўшқирди капитан.

— Мен ёзишни ва ўқишни билмаслигимни айтишни унутибман-да...

* * *

Сайёҳ Нью-Йоркда дўконга кирди ва саксофон ва тўппонча сотилишини кўриб ажабланди.

— Бунинг ажабланарли жойи йўқ, — деди сотувчи. Бирор киши саксофон сотиб олса, унинг қўшниси тўппонча олиш учун албатта бизгга келади.

* * *

Қишлоқлик аскар умридда биринчи марта кўп қаватли бинонинг лифтига чиқди. У ерда «Тугмани босинг» деб ёзилган эди. У бир ярим соатлаар чамаси турғач, бир одам:

— Нима учун тугмани бооосмаяпсан? — деб сўради.

— Мен кўйлагимдаги, шиимимдаги, пальтомдаги барчча тугмаларни босиб чиқдим, аммо лифт қимир этмаяптти, — деди аскар.

* * *

Милиция навбатчисига қўқўнғироқ қилишди:

— Алло, марказий қаҳвахона олдида икки соатдан бери 2 та гуруҳ уришаяпти.

— Нима учун шунча к кеч қўнғироқ қилаяпсиз? — деб сўради навбатчи.

— Ҳа, дастлаб бизникилилар устун келаётган эдилар-да, — деди таниш овоз.

Инглизчадан Хуршид АҲМЕДОВ таржимасаси.

Спорт

ФУТБОЛИМИЗ ВОРИСЛАРИ

Ҳозир мамлакатимизда 20 га яқин футбол мактаб-интернатлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда таълим ва амалий кўникма ҳосил қилаётган ёш футболчилар «Ўқувчиларни футбол мактаб-интернатига қабул қилиш ва танлаб олиш тўғрисида»ги Низом талаблари асосида шу таълим жараёнига жалб этилган.

Чиндан ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида футбол мактаб-интернатлари сони ортиб, уларнинг ўқув-моддий негизлари янада мустаҳкамланмоқда.

Футбол мактаб-интернатлари сони яқинда яна биттага ортди. Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида очилган бу даргоҳда ҳам мамлакатимиз футболининг давомчилари учун барча қулай шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Янги мактаб-интернат тарбияланувчилари ихтиёрига чим босилган икки футбол майдони, яна қатор спорт турлари билан шуғулланишга мослаштирилган майдончалар, машқлар зали бериб қўйилди. Бундан ташқари бу ерда мини футбол спорт зали ҳам ишлаб турибди.

Ўқув-тарбиявий ишларни хизмат кўрсатган спорт мураббийлари, моҳир футбол ўйинчилари олиб боришади.

Футбол мактаб-интернатида машғулотлар янги ўқув режаси асосида ташкил этилади. «Ватан туйғуси», «Ўзбекистон ифтихори», «Нутқ маданияти» фанлари ўқитилади.

Эндиликда бу ерда «Маънавият ва маърифат» хонаси ҳам бор. У ёш футболчиларни миллий умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ўқишга энг чаққон ва бақувват, идрокли болалардан 35 нафари қабул қилинди. Улар XXI асрнинг етук футболчилари бўлиб етишиш учун пухта билим олишга киришдилар.

Акбар АЛИЕВ.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 декабрдаги 591-Фармойишига асосан республикамизда 1999 йилнинг 15 январидан 2000 йилнинг 15 январига қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»нинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг шаҳар, туман ва халқ хўжалиги жабҳаларида ёнғин хавфсизлигини кучайтиришдан иборат.

Миробод туманининг муҳофаза қилувчи 3-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бириқмаси шаҳримиз фуқароларини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиб, уларнинг бажарилишини кучли назоратга олиб, ушбу тадбирда фаол қатнашишга чорлайди.

Шу йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида шаҳримизда 1932 та ёнғин содир бўлиб, давлатимизга 19112050 сўм миқдорида моддий зарар етказилди. Ушбу ёнғинларда 29 киши оламдан бевақт кўз юмиб, 55 киши турли даражадаги қуйиш тан жароҳатини олди. Ёнғинларнинг кўпчилиги ахлатларни, куриган ўт-ўланларни, шох-шаббаларни ёқишдан, сигарета чекишда оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, электр симларининг қисқа туташувлари, носоз электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг олов ўйнашлари, газ иситиш печларининг ҳаддан ташқари қизиб кетиши оқибатида содир бўлган.

Миробод туманида эса ўтган 11 ой мобайнида 143 та ёнғин содир бўлиб, ёнғинларда 2 киши халок бўлди ва 1 киши қуйиш тан жароҳатини олди. Агар ҳар биримиз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилганимизда ушбу ёнғинларнинг олдини олган бўлар эдик. Ахир ёнғинларнинг олдини олиш фақатгина ёнғин назорати хизмати ходимларигина эмас, балки ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Фурсатдан фойдаланиб, 3-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бирикмасининг ходимлари барчангизни яқинлашиб келаётган Янги — 2000 йил билан табриклаймиз ва уни тинчлик ҳамда хурсандчилик билан кутиб олишингиз учун ёнғинга карши қуйидаги қоидаларга риоя қилишингизни сўрайди:

— Янги йил байрами ўтаётган арча олдида болаларни қаровсиз қолдирманг;

— арча олдида мушак, пиротехника ва бошқа ёнувчи нарсаларни ишлатманг;

— арчани тезда ёнувчи ўйинчоқлар билан ҳамда пахта билан безатманг;

— арчани хонанинг ўрта қисмига қулай қилиб ўрнатиб, уни безатаётганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг.

ЕДДА ТУТИНГ: яқинларимиз ва хонадонимизнинг тинчлик-хотиржамлигини сақлаш ўз қўлимизда. Яна бир бор эслатиб ўтамиз: ёнғин чиққанда дархол «01» телефони орқали ўт ўчириш хизматига қўнғироқ қилинг.

Д. АСҚАРОВ,
Миробод туманининг муҳофаза қилувчи 3-ҲЁСБ бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат капитани.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Алишер Навоий номидаги САНЪАТ САРОЙИ (Панорама)
2000 йил 1 январдан 8 январгача қишки таътил кунларида
БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!!!
Цирк артистлари ва эртаклар қаҳрамонлари

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, САХИЙ ФЕЯ, ЯНГИ ЙИЛ, ШАУКАН, АЛВАСТИ, КИКИМОРАЛАР, МУЗ АСКАРЧАЛАР

иштирокида
ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАГИ

Томошалар: 11.00, 13.00, 15.00 да бошланади.
Билетлар цирк ва Санъат саройи (Панорама) кассаларида нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.
Касса соат 9.00 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 41-03-40, 41-04-90, 144-35-91.

А. Икромов туманидаги 54-катталар таълим маркази томонидан 1996 йилда Х. К. Тиллаев номига берилган UZON 035350 рақамли тўлиқ ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0990.

Босмага топшириш вақти 11.30

123456